


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ДИДАКТИКАСИ

МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** Ш.А. Абдуллаева -педагогика фанлари доктори, профессор  
А.Б.Тўраев-катта ўқитувчи

**Тақризчилар:** п.ф.ф.д (PhD). Ф. Мирзаева - ТДПУ, “Педагогика” кафедраси мудири.

**Хорижий эксперт:** п.ф.д., профессор Н.Л.Шеховская - Белгород давлат университети, “Педагогика ва психология” кафедраси мудири

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

**МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕАЛЛАРИ .....	87
V. ГЛОССАРИЙ.....	112
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	115

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанны 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар-янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, олий таълим дидактикаси негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда ўқув-методик мажмууда тингловчиларнинг модуль доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мўлжалланган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** педагог кадрларга олий таълим дидактикасининг мақсади, вазифалари, предмети, обьекти, замонавий категориялари, ривожланиш тенденциялари, ёндашувлар ҳақида тушунчаларини бойитиш,

ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш компетентлигини ошириш, соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- олий таълим педагогикаси соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Педагогика ва психология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;
- замонавий дидактик методлар, воситаларни чуқур ўзлаштириш асосида педагогик жараёнларни ташкил қилиш компетенцияларини ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциялариiga қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълим дидактикаси” ўқув модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- дидактиканинг обьекти, предмети, вазифалари, замонавий категориялари ва тушунчаларини;
- педагогиканинг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методларини;
- педагогик инновация методологияси (умумий тушунчалари, ривожланиш қонуниятлари, омиллари ва ўзига хос хусусиятлари)ни **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмuni (инноватор-педагог шахсининг тузилмаси; инновацион-педагогик фаолиятнинг жараёнли таркибий қисми; илмий-методик тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари)ни ишлаб чиқиш;
- самарали таълим индикаторларидан фойдаланиш;
- инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишнинг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифини яратиш **кўникмаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- таълим мазмунини танлаш;
- дидактик ёндашувлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш;
- дидактик тизимлар асосида педагогик жараён иштирокчиларининг професионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талабларни таҳлил қилиш;
- педагогиканинг фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги интеграциясини таҳлил қилиш;

- педагогик жараёнда предметлараро алоқадорлик масалалари (STEAM-таълими)дан кенг фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнида инновацион мухитни яратиш;
- педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартларини такомиллаштириш;
- назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашувни амалга ошириш;
- ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш;
- мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш;
- назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш;
- талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнишка, малака ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Олий таълим дидактикаси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентациян ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Олий таълим дидактикаси” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Педагогик фанларни ўқитишининг инновацион мухитини лойиҳалаштириш”, “Креатив педагогика асослари”, “Педагогнинг маҳорати ва компетентлиги” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Олий таълим дидактикаси унинг долзарб муаммолари, уларни ечимини топишга қаратилган илмий-тадқиқот методларини таҳлил этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

### **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

		<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>
--	--	--------------------------------

		<b>Жами</b>	<b>Жумладан</b>	
			<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>
1.	Олий таълим дидактикасининг мақсади, вазифалари, замонавий категориялари ва тушунчалари, ривожланиш тенденциялари	4	2	2
2.	Педагогиканинг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методлари	2	2	2
3.	Педагогика ва таълим методикасидаги инновацион оқимлар ва муаммолар	2	2	
4.	Дидактик тизимлар ва уларнинг турлари	4	2	2
5.	Педагогиканинг фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги интеграцияси. педагогик жараёнда предметлараро алоқадорлик масалалари	2	2	
6.	Ўзбекистонда олий таълим дидактикасининг ривожланиш тарихи	2		2
7.	Олий таълим дидактикасида замонавий ўқитиш концепциялари	2		2
8.	Олий таълим дидактикасида инновацион оқимлар ва муаммолар	2		2
9.	Дидактик жараёнда предметлараро алоқадорлик масалалари	2		2
10.	Дидактиканда фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси масалалари. steam таълими	2		2
<b>Жами:</b>		<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**  
**1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИННИГ МАҚСАДИ,**  
**ВАЗИФАЛАРИ, ЗАМОНАВИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА**  
**ТУШУНЧАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Олий таълим дидактикасининг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти. Олий таълим дидактикасининг замонавий категориялари ва ривожланиш тенденциялари.

Инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни: тизим сифатида моҳияти; инноватор-педагог шахсининг тузилмаси; инновацион-педагогик фаолиятнинг жараёнли таркибий қисми; илмий-методик тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари.

Педагогик инновация (янгиланиш) методологияси: умумий тушунчалари, ривожланиш қонуниятлари, омиллари ва ўзига хос хусусиятлари.

## **2-МАВЗУ. ПЕДАГОГИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ.**

Олий таълим дидактикасининг асосий муаммолари ва тамойиллари

Олий таълимда педагогик жараённи ташкил қилиш ва таълим фаолиятини амалга ошириш усулларини илмий асослаш. Дидактиканда таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги принципи. Оптимал ўқитиш йўлларини аниклаш, ўқув технологияларининг таркиби, усуллари, шаклларини танлаш.

## **3-МАВЗУ. ПЕДАГОГИКА ВА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ОҚИМЛАР ВА МУАММОЛАР.**

Дидактик инновацияларни илмий асослаш манбалари. Олий таълим дидактикасида парадигмалар тавсифи. Таълим мазмунини танлашга оид назариялар. Олий таълимда инновацион таълимни амалга ошириш шакллари ва усуллари

## **4-МАВЗУ: ДИДАКТИК ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Дидактик тизим тушунчаси. Дидактик тизимлар ва ўқув моделлари. Педагогик жараён иштирокчиларининг профессионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар. Касбий дидактик тайёргарликнинг ривожланишини таъминлайдиган педагогик функциялар тизими

## **5-МАВЗУ: ПЕДАГОГИКАНИНГ ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ИНТЕГРАЦИЯСИ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ПРЕДМЕТЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.**

Ўқув технологияларини такомиллаштириш (модернизация қилиш). Педагогик воситаларни такомиллаштириш. Дидактиканда фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси масалалари. STEAM-таълими.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Мавзу: Олий таълим дидактикасининг замонавий категориялари ва ривожланиш тенденциялари (2 соат).**

Олий таълим дидактикасининг асосий категориялари, унинг асосий тамойиллари ва илмий-тадқиқот методларини чукур билиши ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиш.

### **2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ (2 СОАТ)**

Педагогик инновацияларни илмий асослаш манбалари. Таълим мазмунини танлашга оид назариялар. Инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишнинг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифи. Инновацион-педагогик фаолият методлари: дидактик ёндашувлар

### **3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ (2 СОАТ)**

Олий таълим дидактикасининг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти. Олий таълим дидактикасининг замонавий категориялари ва ривожланиш тенденциялари.

### **4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИННИГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ (2 СОАТ)**

Олий таълим дидактикасининг асосий муаммолари ва тамойиллари

Олий таълимда педагогик жараённи ташкил қилиш ва таълим фаолиятини амалга ошириш усулларини илмий асослаш. Дидактиканда таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги принципи. Оптимал ўқитиш йўлларини аниқлаш, ўқув технологияларининг таркиби, усуллари, шаклларини танлаш.

### **5-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИДА ИННОВАЦИОН ОҚИМЛАР ВА МУАММОЛАР (2 СОАТ)**

Дидактик инновацияларни илмий асослаш манбалари. Олий таълим дидактикасида парадигмалар тавсифи. Таълим мазмунини танлашга оид назариялар. Олий таълимда инновацион таълимни амалга ошириш шакллари ва усуллари.

### **6-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ДИДАКТИК ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ (2-СОАТ)**

Дидактик тизим тушунчаси. Дидактик тизимлар ва ўқув моделлари. Педагогик жараён иштирокчиларининг професионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар. Касбий дидактик тайёргарликнинг ривожланишини таъминлайдиган педагогик функциялар тизими.

### **7-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ДИДАКТИК ЖАРАЁНДА ПРЕДМЕТЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК МАСАЛАЛАРИ (2СОАТ)**

Дидактик жараёнда предметлараро алоқадорлик масалалари ҳақида тушунча. Педагогик фаолиятини ташкил қилиш.

### **8- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ДИДАКТИКАДА ФАН, ТАЪЛИМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ. STEAM ТАЪЛИМИ.(2 СОАТ)**

Дидактиканда фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси масалалари. STEAM таълими ҳақида тушунча.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:


- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

баҳс ва мунозаралар (бойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос замонавий ёндошувларидан бири бу инновацион ёндашув бўлиб, бунда ўқитиш жараёнларини ташкил этишда шакл, метод ва воситаларнинг ўзаро уйғуналигини ҳисобга олган ҳолда танлаш асосида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш саналади.



Инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этишда унинг асосий компоненти интерфаол таълим методлари ҳисобланади.

**Интерфаол методлар деганда-таълим** олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг барча босқичларида субҳект-субҳект муносабатини ташкил этувчи методлар тушунилади.

Педагогикага оид адабиётларда интерфаол таълимнинг самарали жиҳатларини қуидагича баҳоланади:

Интерфаол таълим методлари таълим олувчилардаги билиш жараёнларини фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллаш олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланиш имконини беради.

Интерфаол таълим методлари – таълим олувчилардаги мотивацияни, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмаларини, тадқиқотчилик фаоллиги, креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантиради.

Интерфаол таълим муҳити таълим олувчиларда муаммоларни кўра билиш, таҳлили қилиш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, толерантлик, ўзгалар фикрига хурмат, жамоадаги ҳамкорлик, ҳаётий қадриятларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитларни яратади.

Замонавий таълим дастурлари асосида инновацион технологияларни ўкув жараёнига жорий этишда мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида ривожланган хорижий мамлакатларнинг ўқитиш амалиётида қўлланилаётган илғор педагогик технологиялар ва таълим инновацияларидан фойдаланилмоқда.

**Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги.** Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унингнинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади.

**Имитацион ўйинлар** - бўлим, цех, корхона ташкилотнинг фаолияти-имитация килинади. Имитацион ўйинлар сценарияси, ҳодиса сюжетидан

ташқари, имитация қилинадиган жараён ва обҳектлар таркиби ва аҳамияти ҳақидағи тафсилотларни ўз ичига олади.

**Операцион ўйинлар** - тегишли иш жараёни, уларни бажариш шартшароитини моделлаштирадилар. Улар маҳлум бир ўзига хос операцияларни: - масалалар ечиш, маҳлум бир усуслни ўзлаштиришга ёрдам берадилар.

**Ролли ўйинлар** - маҳлум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги рухий ҳолатлари, хатти-харакати ишланади, роллар мажбурий мазмуни билан тақсимланади.

«Модулли ўқитиши» термини халқаро тушунча - модул билан боғлиқ бўлиб («модул», лат. modulus), унинг битта маҳноси фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маҳнода у модулли ўқитишининг асосий воситаси сифатида, тугалланган ахборот блоки сифатида тушунилади.

**Ўқитиши усуллари ва техникаси:** “Кейс-стади”, “Блиц-сўров”, “Тушунчалар таҳлили”, “Зинама-зина”, “Муносабат”, “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Зиг-заг”, “Идрок харитаси”, “Музёрап”, “Баҳс-мунозара”, “Т-жадвал”, (График органайзерлар): “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Тоифалаш жадвали”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва бошқалар.



Интерфаол таълим қуидаги тамойилларга асосланади:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
  2. Гурухнинг тажрибаси ўқитувчи (педагог)нинг тажрибасидан кўп.
  3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
  4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш хукуқига эга.
  5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).
  6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди,
- Интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этади. “Таълим жараёнида талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиласидиган методлар интерфаол методлар саналади”.

### **III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИНинг МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, ЗАМОНАВИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА ТУШУНЧАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ РЕЖА:**

1. Олий таълим дидактикасининг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти. Олий таълим дидактикасининг замонавий категориялари ва ривожланиш тенденциялари.

2. Инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни: тизим сифатида моҳияти; инноватор-педагог шахсининг тузилмаси; инновацион-педагогик фаолиятнинг жараёнли таркибий қисми; илмий-методик тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари.

3. Педагогик инновация (янгиланиш) методологияси: умумий тушунчалари, ривожланиш қонуниятлари, омиллари ва ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч тушунчалар:** олий таълим, дидактика, замонавий категориялар, ривожланиши тенденциялари, ўқитиши концепциялари, педагогик жараён, моделлаштириши, ўқув фаолияти, дидактик тадқиқотлар.

**1. Олий таълим дидактикасининг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти. Олий таълим дидактикасининг замонавий категориялари ва ривожланиш тенденциялари.** Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини тубдан ўзgartириш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникатсион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор методларини жорий этиш орқали шахснинг субъект сифатида намоён бўлишига кенг имкониятлар яратилмоқда.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатда янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилди, унинг таркибида эса янги мазмун ва моҳиятдаги инноватсион олий таълим тизимини шакллантириш бош йўналиш сифатида белгиланди ҳамда таълим жараёни субъектлари фаолиятини инноватсион ташкил этиш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилди<sup>1</sup>

Мамлакатимизда сўнгги йилларда узлуксиз таълим тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳукуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳукуқ ва эркинликларини, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar Strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-sون Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. 2017 yil, 6-son.

кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.


Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чукур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Глобаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги - таълим тизимининг ҳолати билан аниқланадиган, шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги билан боғлик. Давлатнинг бугунги ва истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар ҳам айнан таълим соҳаси ривожланишига бевосита боғлиқдир.



**ДИДАКТИКА** юононча «*didaktikos*» сўзидан олинган бўлиб, “ўргатувчи”, «*didasko*» эса – “ўрганувчи” маъносини билдиради. У таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, таълим берувчи ва таълим олувчилар фаолияти мазмuni, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолар) ни ўрганувчи педагогиканинг таркибий қисми ҳисобланади.

Дидактиканинг сўзма-сўз таржимаси «таълим назарияси» маъносини англатади. Бу атамани немис педагоги В.Ратке (1571–1635) фанга киритган, деб ҳисобланади. Дидактика номи остида у фанни назарий ва методологик асосларини тадқиқ қиласидиган илмий соҳани тушунди. Дидактиканинг фундаментал илмий асослари илк бор Я.А.Коменский томонидан ишлаб чиқилган. 1657-йилда у чех тилида «Буюк дидактика» асарини ёзди. Дидактикани Коменский «ҳаммани ҳамма нарсага ўргатиш санъати» деб тушунтирди.



**Дидактика** – таълим жараёни, мазмuni, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.

Таълимда ўқитувчининг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда

ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Ўқувчилар фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, кўникма, малака, компетенцияларни эгаллашга йўналтирилади.

Ўқитиши жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва ўқувчиларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик. Таълимда ўқитувчининг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Буларнинг барчаси ўқитувчининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишида ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у ўқувчиларда дунёқарааш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қиласди, қизиқиш ва қобилиятларни шаклантиради, уларнинг билиш фаоллигини оширади. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчи шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиб беради. Янада аниқ қилиб айтсан, бутун ўқув жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда ўқувчилар билан биргалиқдаги фаолиятни ташкил этади. Ўқувчиларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қиласди. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти кўп қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

**Дидактика илмий билимлар тизими сифатида** биринчи марта чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» (1657-йил) асарида очиб берилган.



Дидактикада таълимни ташкил этишининг умумий масалалари, ўқитиши жараёнининг моҳияти, таълимнинг мазмуни, ўқитиши қонуниятлари, ўқитиши тамойиллари, методлари, унинг ташкилий шакллари ёритилади.

**Дидактика** «нимага ўқитиши?», «нимани ўқитиши?» «қандай ўқитиши?» «қаерда ўқитиши» каби саволларга жавоб излайди.

Дидактика ва методика мустаҳкам алоқа ва ўзаро боғлиқликда жойлашади. Дидактика ўқитишнинг умумий қонуниятларини ўрганади. Аниқ бир предметни ўқтишининг ўзига хос хусусиятлари хусусий методикаларда ишлаб чиқилади.

**Дидактиканинг обьекти** – ўсиб келаётган авлодга ижтимоий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний маданиятни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолиятнинг асосий тури ҳисобланган таълим беришdir.

Дидактиканинг предмети сифатида ўргатиш (ўқитувчи фаолияти) ва ўрганиш (ўқувчиларнинг билиш фаолияти), уларнинг ўзаро ҳаракати акс этади.

**Дидактиканинг асосий категориялари.** Муайян фанга хос бўлган тушунчаларда инсоният томонидан ижтимоий тараққиёт жараёнида тўпланган билимлар акс этади.

Дидактиканинг **асосий категориялари** қўйидагилардан иборат: **ўргатиш, ўрганиш, ўқитиш, таълим, билим, кўникма, малака, компетенция, мақсад, мазмун, ташкил этиши, шакл, метод, восита, натижса.**

Дидактиканинг асосий категориялари	Мазмуни
<b>Ўргатиш –</b>	ўқитиш мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти
<b>Ўрганиш –</b>	англаш, машқ қилиш ва эгалланган тажрибалар асосида хулк-автор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгаллаш жараёни, оддин эгалланганлари ўзгаради
<b>Ўқитиш –</b>	кўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан ўқувчиларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати
<b>Таълим –</b>	ўқитиш жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, компетенция ва фикрлаш усуслари тизими
<b>Кўникма –</b>	эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётта қўллаш усусларини эгаллаш
<b>Малака –</b>	автоматлашган, бирор бир усул билан бехато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси
<b>Компетенция –</b>	туталланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш лаёкати
<b>Мазмун –</b>	ўқитиш жараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуслари тизими
<b>Мақсад –</b>	ўқитишнинг нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши

**2. Инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни: тизим сифатида моҳияти; инноватор-педагог шахсининг тузилмаси; инновацион-педагогик фаолиятнинг жараёнли таркибий қисми; илмий-методик тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари.** Замонавий таълим парадигмалари. Парадигма (грекча, *paradeigma*) сўзининг ўзи кенг маънода турмуш ва фикрлашининг бирор соҳасининг фундаментал асосларини аниқлаб берувчи ўзига хос тузилишга эга назария деб изохланади.

Таълимнинг янги парадигмасининг пайдо бўлиши фақат ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмасдан, у бутун маданий ривожланиш жараёнида юзага келган. Унинг шаклланишида инсонпарварлик фалсафаси ва

психологияси асосий ўрин эгаллади. Мазкур концепциянинг асосий нуқтаи назари – ҳар бир алоҳида инсон ҳаётининг ўзига хослиги, ҳар бир шахс ноёб, индивидуал, шартсиз қадрият эканлигини эътироф этиш. Инсонпарвар фалсафа ва психология ўз-ўзини реализатсиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини инсоннинг юксак эҳтиёжи дея эътироф этиб, инсоннинг ўз ноёблигини асраш ва ривожлантириш, инсоннинг эркинликка эришиш механизми сифатида индивидуал шахсий танловни амалга оширишни ўзида намоён этиш, қилинган танлов учун жавобгарликни бўйнига олишда уларни амалга оширишнинг муҳим шартини кўради. Шунинг учун шахснинг ривожланиши ва инсоннинг шаклланиши бошқалар билан ҳамжихатликда, ишонч, ошкоралик, севгига асосланган инсонпарвар муносабатларни ўрнатиш жараёнида содир бўлади.

**Парадигма** – аниқ вақт доирасида илмий жамоатчиликка муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш модели сифатида тақдим этиладиган барча илмий ютуқларга тегишли тадқиқот вазифаларини ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган назария.

**Ташкил этиши** – қўйилган мақсадни самарали амалга ошириш учун унга зарурый шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартиблангандидактик жараён.

Таълимга янгича ёндашув: яқин зонадан ривожланиш ва инсон ривожланишида биргаликдаги фаолиятни роли ҳақидаги таълимот, шахснинг ҳаётий фаолиятдаги вазифалари, фикрий соҳа, инсоннинг рефлектив имкониятларининг ривожланиши, ўкув фаолияти жараёнида унинг психик ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

**Шакл** – ўкув жараёнининг ташки ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик.

**Метод** – ўқитишининг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли

**Восита** – ўкув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва ўкувчилар томонидан фойдаланиладиган обект.

**Натижса** – ўкув жараёнининг сўнгги маҳсули, белгилангандекадарни амалга ошганлик даражаси.

**Ўқитиши жараёни моҳияти ва унинг вазифалари.** Ўқитиши – ўқитувчи ва ўкувчиларнинг мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти жараёни бўлиб, бу жараёнда ўкувчиларни ривожлантиришни амалга оширадиган билим, кўникма, малака ва компетенсиялар юзага чиқади.

Ўқитиши жараёни учта вазифани бажаради: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи.

Ўқитиши жараёнининг **таълимий вазифаси** ўкувчиларда билим, кўникма, малака ва компетентсияларни шакллантиришдан иборат

Ўқитиши натижаси сифатида билимларининг тўлиқлиги, чукурлиги, тизимлилиги, англанганлиги, мустаҳкамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди.

Таълим жараёнида ўқувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар асосида ҳосил қилинган амалий кўникма ва малакалар ҳамда компетенсиянинг шаклланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

**Ўқитишининг тарбиявий вазифаси** таълим жараёнида шахснинг маънавий-ахлоқий ва эстетик тасаввурлари, хулқ-автори ва дунёқараси шакллантирилишида ўз ифодасини топади. Таълимнинг тарбиявий хусусияти, энг аввало, таълим мазмунида акс этади. Ўқитиши жараёнида тарбиянинг иккинчи омили ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатлари, синфдаги психологияк муҳит, ўқиш жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятларига ўқитувчининг раҳбарлиги ҳисобланади.

**Ўқитишининг ривожлантирувчи вазифаси** ўқувчи нутқининг, фикрлаши, шахснинг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий, интеллектуал соҳаларини ривожлантиришда ўз аксини топади. Ўқитиши жараёнида ўқувчини ақлий ривожлантириш, ақлий фаолият усуллари, анализ қилиш, таққослаш, таснифлаш, кузатиш, хулоса чиқариш, обектларнинг муҳим белгиларини ажратади, фаолият мақсади ва усулларини аниқлашни билишга ўргатиш, унинг натижаларини текшириш малакасини ривожлантиришга эришилади.

**Ўқитиши жараёнининг босқичлари.** Ўқитиши ўқитувчи раҳбарлигидага ўқувчининг ўқув материалларини режали равишда билиб олиш жараёнидир. Бу жараённи билиш босқичидан иборат бўлган таркибий қисмларга (ёки компоненттарга) ажратиш мумкин. Ўқувчи билмасликдан билиш, уддасидан чиқа олмасликдан уддулай олиш, малакалар ҳосил қилиш йўлидан бориб, ушбу босқичлардан ўтиши керак.

Ўқитиши жараёни 4 та асосий босқичдан иборат:

- ўзлаштирилиши лозим бўлган материални идрок этиш;
- билимларни мустаҳкамлаш;
- тушунчаларни ҳосил бўлиши;
- компетенцияларни таркиб топтириш

Ҳар бир босқич учун ўқувчиларнинг муайян характердаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият ўқитувчи томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади.

**Ўрганилаётган материални идрок қилиш.** Ўқувчиларнинг ўрганилаётган (ёки ўрганилиши лозим бўлган) материални идрок қилишини ташкил этар экан, ўқитувчи уларнинг ҳаётий тажрибаси ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда материал тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиб, олдиндан уни бутунлигича тушунтиради ва кўрсатади.

Ўрганилаётган материални англаш- ўрганилаётган объект ҳақидағи умумий тасаввур асосида уни тушунишни таъминловчи, аста-секин чуқурлашиб борувчи жараён.

Билимларни мустаҳкамланиши, кўникма ва малакаларнининг ҳосил бўлиши ўқув материалини идрок этиш ва фақмлаб олиш жараёнида ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Инсон фаолиятининг ҳамма асосий турлари (мехнат, фан, санъат, ўйин, спорт) унинг теварак-атроф оламни ва ўз-ўзини билиш билан боғланган. Ўқиш теварак-атрофдаги оламни билишнинг маҳсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиласиган алоҳида туридир. Бу жараённинг моҳияти – билим, кўникма малака ва компетентсияларни ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришdir.

Билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш жараёни таълимнинг якуний мустақиллигини аста-секин ва изчиллик билан ошириб боришни талаб этади.

Таълим жараённинг бу икки томони (ўқитиш ва ўқиш) бир мақсад: таълимнинг хилма-хил воситалари ва методларидан фойдаланган ҳолда ўқув материални эгаллаб олиш мақсади билан бирлашгандир.

**Таҳсил олувчининг билиш фаолияти ва унинг тузилиши.** Ўргатувчилик фаолияти ёки ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади ва уларни машғулотлар учун уюштиришда, уларнинг диққати, тафаккури, ҳатти-харакати ва ҳоказоларига раҳбарлик қилишда, улар олдига уларнинг фаолиятини тобора мураккаблаштирилган вазифаларни изчиллик билан қўйиб боришда, уларни текшириб бориш кабиларда ўз ифодасини топади.

Ўқув фаолияти ёки ўқиш билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўқувчиларнинг интеллектуал, иродавий ва жисмоний куч-ғайратини талаб этади ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Ўқитувчининг оқилона бирор мақсадга қаратилган раҳбарлиги ва ўқувчиларнинг эса фаол онгли иштирокисиз, таълим жараёнида ижобий натижалар бўлиши мумкин эмас. Маълумки, билиш фаолиятининг субекти ўқувчи саналади. Шу боис ижтимоий-педагогик асосларга эга таълим марказида унинг шахси, онги, ҳам ўрганилаётган оламга, ҳам билиш фаолиятидаги ҳамкорларига: ўқувчилар ва унинг таълим олишини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқитувчилар муносабати ётади. Бу масала барча даврларда бирдек аҳамият касб этиб келган.

Таълимда таҳсил олувчининг фаолияти ҳақида гап борганда ўқувчининг билиш фаоллиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчининг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришида намоён бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти, яъни ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун ҳарактерлидир. Шу

сабабли билиш фаолигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Таҳсил олувчининг билиш фаолиятининг яна бир фарқли хусусияти унинг кечиш характеристидир. Ўқувчининг билиш фаолияти мақсади ҳам, мазмуни ҳам, усуслари ҳам дастурга киритилганлиги билан, ўқувчи жалб этилаётган таълим жараёни турлича кечиши; субект (ўқувчи) кучи фаолиги, мустақиллиги, турлича сарф этилиши билан бориши мумкин. Айрим ҳолларда унинг жараёни тақлидий репродуктив, бошқаларда изланишли, учинчисида ижодий характеристерга эга бўлиши мумкин. Айнан фаолият жараёнининг кечиш характеристи – унинг охирги натижаси эгалланган билим, кўникма, малака ва компетенсиялари характеристига таъсир этади.

Таҳсил олувчининг билиши худди етук илмий билиш йўли каби ҳақиқат ўқитувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади.

Инсоннинг асл ижтимоий мулки сифатида фаолиятининг муҳим белгиси фаолият субектигининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири ва муҳим бойликлар яратувчи фаолиятининг қайта алоқасидир. Ўқувчиларнинг таълим муассасасидаги билиш фаолиятининг характеристи шундаки, унинг натижаси ҳамма вақт ҳам моддийлашган маҳсулга эга эмас ва ўқувчининг ўзи ҳамма вақт ҳам ҳис этмайди – жавоби учун ёмон баҳо олган ўқувчининг хафа бўлиб, «мен ўқидим, ўргандим! Адолатдан эмас» деган фикрни қатъий тақрорлаши бежиз эмас.

Билишга қизиқиши ўқишининг энг муҳим ва энг қимматли мотиви сифатида болани мактабга, дарсларга, ўз билиш фаолиятига нисбатан ижодий муносабатига кўмаклашади.

Таҳсил олувчининг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлига эга бўлиши мумкин. Айрим ўқув-харакатлари таъсиричисидан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача. Ҳатто ўқишининг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиши шахснинг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин. Ҳар қандай мотив сингари билишга қизиқиши ажralган ҳолда ривожланмайди, унинг тикланиши бошқа мотивлар (ахлоқий, ижтимоий, ўқув ва ҳ.к.) билан бирга кечадики, қизиқиши улар билан бойийди ва уларга ижобий таъсир этади.

Маълумки, ўқув жараёни модели ўзида уч таркибий қисмни акс эттиради: ўқитувчи фаолияти, ўқувчи фаолияти ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг жадал ўзаро фаолияти. Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро ҳаракатини конструктив педагогика нуқтаи назаридан қатор белгиларига кўра тасниф этиш мумкин: йўналганлигига кўра (қайта алоқалар билан ёки қайта алоқаларсиз); ахборот жараёнининг турига кўра (ўзаро ҳаракатни ташкил этишда ахборот жараёнининг йўналганлик даражаси); бошқариш ва ахборотларни узатиш воситалари турига кўра.

Таҳсил олувчилар билимларни ўзлаштириш жараёнида турли даражадаги фаолликни намоён этишади. Ана шу сабабли, ўкувчиларга билимларни суст равишда қабул қиласи каби нуқтаи назардан қараш тўғри бўлмайди. Шу сабабли билиш фаолиятига қўйидагича ёндашиш зарур: ўкув фаолиятининг инкор этилмаган тавсифи асосида унга муносабат ўзгарадиган билишнинг қуи даражаси; қўйидан мўтадиллашган босқичга ўтиш сифатидаги вазиятли фаолият; ўкув жараёнида ижро этувчилик фаолияти; ўкувчининг субектив нуқтаи назарини максимал даражада очишга имкон берувчи ижодийлик.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, билиш фаоллиги қўрсаткичи сифатида мўтадиллик, иштиёқ, ўрганишнинг англанганлиги, ижодий намоён бўлиши, ностандарт ўкув вазиятларидағи хулқ-атвор, ўкув вазифасини ҳал этишдаги мустақиллик ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин (4-расм).

Таҳсил олувчининг ўкув жараёнидаги иштироки ва фаоллигининг намоён бўлиши – бу ривожланиб борувчи, ўзгарувчан жараён. Ўқитувчи ёрдамида ўкувчиларнинг билиш фаоллиги қуи даражадан вазиятли-фаолликка, ундан фаол ижрочиликка ўтиб боради. Кўп жиҳатдан ўкувчининг билиш фаоллиги ижодийлик даражасига қўтарилиши ёки қўтарилмасдан қолиши ўқитувчига боғлиқ.

Дидактларнинг ишларида шу нарса яққол кўринадики, ўкув жараёнида ўқитувчи ва ўкувчилар орасидаги муносабат субект-субект тавсифига эга бўлиши зарур. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим – бу кенг тарзда сотсиумнинг бўлажак аъзосини умумий меҳнат, ҳамкорликка ўргатиш учун зарур бўлган биргаликдаги фаолият.

Ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлаш нуқтаи назаридан замонавий таълим жараёнини кўриб чиқиш асосида ўкувчиларнинг роллар орқали намоён бўлиши қўйидагича кўриниш касб этади:

- ўкув жараёни билан дастлаб танишишда томошабин, кузатувчи;
- гуруҳли фаолиятнинг иштирокчиси;
- намуна бўйича уй вазифасини мустақил бажаргандан сўнг фаолият эгаси;
- фаолиятнинг шахсий намунасини яратишда фаолият эгаси + фикр эгаси;
- ўз фаолияти натижасида юзага келадиган ўз-ўзининг фаолияти эгаси.

**3. Педагогик инновация (янгиланиш) методологияси: умумий тушунчалари, ривожланиш қонуниятлари, омиллари ва ўзига хос хусусиятлари. Таълим жараёни қонуниятлари-** бу педагогикада қонунларнинг аниқ шароитларидағи ҳаракат ифодаси. Уларнинг асосий хусусияти қонуниятлар педагогикада эҳтимолий-статистик характер беришида акс этади, қонунларни эса таълим жараёнида амалга оширишни ҳамма ҳолатларда ҳам аниқ кўриб бўлмайди.

<b>Таълимнинг умумий қонуниятлари</b>	
<p><b>таълимнинг мақсади</b> жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси; жамиятнинг талаблари ва имкониятлари; педагогика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари билан боғлиқликда аниқлаштирилади;</p>	<p><b>таълим методлари</b> самарадорлиги таълим мақсадига; ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятларига; таълим муассасасининг моддий-техник таъминотига боғлиқ;</p>
<p><b>таълим мазмунини</b> белгилашда таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари; ижтимоий ва илмий-техник тараккиёт суръати; ўқувчиларнинг ёши имкониятлари; таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражасига асосланилади;</p>	<p><b>таълимни бошқариш</b> самарадорлиги таълим тизимида кайта алоқаларнинг интенсивлиги ва корректсияга, таъсир кўрсатишнинг асосланганлигига боғлиқ</p>
<p><b>таълимнинг сифати</b> аввалги боскич маҳсулдорлиги ва ҳозирги боскичда эришилган натижалар; ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; ўқувчиларга ташкилий-педагогик таъсир кўрсатиш; ўқувчиларнинг билим олишга қобилияtlари ва таълим вақтига боғлиқ;</p>	<p><b>таълимда рағбатлантириш</b> самарадорлиги ички ва ташқи стимулларнинг ўзаро ўйғуллигига боғлиқ.</p>

Педагогикада таълимнинг хусусий қонуниятлари ҳам мавжуд: **гносеологик:** таълим натижалари ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўнималарига; таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг ўкув фаолияти ҳажмига; билим ва кўнималарни ўзлаштириш самарадорлиги уларнинг амалда қўлланилишига; ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши ўзаро алоқадор билим, кўнима ва малакаларнинг ўзлаштирилиш ҳажмига тўғридан тўғри боғлиқ.

<b>Таълимнинг хусусий қонуниятлари</b>	
<p><b>психологик:</b> таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг ўкув фаолиятига қизикишига; фикрлаш даражаси, кучи, жадаллиги ва ўзига хослигига; хотиранинг ривожланганлик даражасига; билиш фаоллиги даражасига бевосита боғлиқ</p>	<p><b>ташкилий:</b> таълим натижаси ўқувчининг ўкув меҳнатига, ўзининг ўкув мажбуриятларига муносабатига; ўқувчининг ишчанлик қобилиятига; ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини ошириш ўкув машғулоти жадвалининг тузилиши, унда жисмоний тарбия ва меҳнат машғулотларининг жойлаштирилишига бевосита боғлиқ.</p>
<p><b>кибернетик:</b> таълим самарадорлиги қайта алоқаларнинг тезлиги ва ҳажмига; билимларнинг сифати назоратнинг тўғри олиб борилишига; таълим сифати ўкув жараёнини бошқариш сифатига; бошқарувнинг самарадорлиги бошқарувга доир ахборотларнинг сони ва сифатига бевосита боғлиқ.</p>	<p><b>социологик:</b> индивиднинг ривожланиши у бевосита ва билвосита мулокотда бўладиган индивидларнинг ривожланишига; таълим самарадорлиги «интеллектуал мухит»нинг мавжуд ҳолатига, ўзаро бир-бирига ўргатишнинг жадаллигига; ўқитувчи ва ўқувчилар мулокотининг сифатига бевосита боғлиқ</p>

**Таълим тамойиллари.** Таълим қонуниятларидан уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян мухим талаблар келиб чиқади.

Таълим тамойилларини шартли равищда икки гурухга ажратиш мумкин: таълимнинг мазмунга алоқадор ва ташкилий-методик тамойиллари.

<b>Таълим тамойиллари</b>	
<b>Таълимни инсонпарварлаштириш – унинг мазмуни, тамойиллари, шакл ва методларини янгилаш, уларнинг ўзаро алоқаси ва бирлигини таъминлаш орқали шахсни ҳар томонлама шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтиришдир.</b>	<b>Таълимнинг маданият билан уйғулилк тамойили.</b> Таълимни азалдан мазмуни инсон онгига нафакат олам манзарасини, балки инсондаги ривожланиши, юксакликка харакат ва ўсиш ҳолатида бўлган ўзининг шахс сифатидаги қиёфасини шакллантиришдан иборат.
<b>Таълимнинг табиат билан уйғулиги тамойили.</b> Ўкувчиларга уларнинг ёш даврларини инобатга олган ҳолда билимларнинг берилиши учун билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини таъминлайди.	<b>Таълимнинг илмийлик тамойили – ўқувчининг ўкув материалидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шарт-шароит яратиш мақсади учун зарур аҳамият касб этади. Бу тамойил таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиши даражаси, жаҳон сивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди.</b>
<b>Таълимнинг тизимлilikи ва изчилик тамойили</b> баён қилинаётган ўкув материалинин мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларни тўлдиришига хизмат килишини, ўкувчиларнинг узлуксиз ва тизимли суръатда мустақил иш олиб боришлини, ўкувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни ҳам ўз ичига олади.	<b>Таълим ва тарбиянинг уйғулиги тамойили яхлит</b> педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади. Бу тамойил таълим жараёнда баркамол ривожланган шахсни шакллантиришини кўзда тутади.

Шахснинг ривожланиши ва ўкувчиларнинг ижтимоий аҳамиятга эга сифат ва қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилган таълимнинг инсонпарварлик мазмунига яқинлашиш, уларни ҳаётда фаол иштирок этишга жалб этиш, унинг билиш билан қўшилуви ва маданиятни ўзлаштириши ҳамма-ҳаммаси сўнгги йилларда сезиларли шаклланди. Мазкур йўналишда сўнгги йилларда тарбияланувчилар онгидаги алдам-қалдамлик, уларнинг хулқ-атворини ҳаддан ташқари қатъий белгилаш, уларга қаттиқ таъсир этиш, танқидий фикрлаш тарзига эга бўлмаган қарашлардан воз кечиш ёрдамида кўплаб инноватсиялар йўналтирилди. Бундай ақидапарастликка қарама-қарши ўлароқ, миллий ва чет эл педагогикасида тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилишга йўналтирилган, унда мустақилликни шакллантирувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар орасида инсонпарвар, ишончга асосланган муносабатларни таркиб топтириш қоидаларидан фойдаланиш, «таълимни инсонпарварлаштириш», яъни инсонпарварлик тамойили юзага чиқади. Бундай асосга қурилган таълим эса, шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

**Таълимнинг табиат билан уйғунлиги тамойили.** Я.А.Коменский томонидан фанга киритилган бўлиб, табиатда ҳаёт баҳордан бошлангани каби таълим олиш жараёни учун энг қулай давр болалик эканлиги гоясига асосланади. Ўқувчиларга уларнинг ёш даврларини инобатга олган ҳолда билимларнинг берилиши ушбу билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Умуман олганда, таълим жараёни боланинг ривожланиши, яъни табиати билан уйғун бўлиши лозим.

**Таълимнинг маданият билан уйғунлик тамойили.** Таълимни азалдан мазмуни инсон онгига нафақат олам манзарасини, балки инсондаги ривожланиш, юксакликка ҳаракат ва ўсиш ҳолатида бўлган ўзининг шахс сифатидаги қиёфасини шакллантиришдан иборат. Таълим бутун умр давом этади ва таълим олиш чегараланмайди. У инсонга ўз дунёси ва бошқа маданиятларни англаш, мазкур маданият вакиллари фикрини эшита олиш, уларни қадрлаш, уларнинг дунёсини тушуниш, ўзининг шахсий фикрига таяниш, ўзининг бу ёруғ оламдаги мавжудлигини англаш ва ўзининг ҳаётдаги, маданиятдаги ўрнини аниқлаш имконини беради. Таълимнинг бугунги кундаги маъно-мантифи ҳам ана шундадир.

Таълим ўзини маданиятлар дунёсида фараз қилиш орқали инсонда олам манзарасини яратиш, инсоннинг табиат, бошқа одамларга, жамият, ўз-ўзига бўлган муносабатлар тизимини шакллантириш сифатида қаралади. Инсон ўзининг онги, иродаси, ҳис-туйғуси, билиш имкониятлари орқали маданий қадриятларни ўзлаштиради, бунинг натижасида индивидуал ижодийлик шаклланади. Бундай индивидуалликнинг намоён бўлишининг ўзиёқ нафақат маданиятнинг меросийлиги, истеъмол қилиниши, балки ривожланишини ҳам англатади. Бундай тушуниш педагогикадаги янги парадигма – шахсга йўналтирилган таълим асосини ташкил этувчи жамиятдаги янгича қадриятлар – шахснинг ўзини-ўзини ривожлантириши, ўзига-ўзига таълим бериш ва ўзини-ўзи лойиҳалашнинг намоён бўлишини акс эттирувчи маданият билан уйғунлик тамойилини шаклланишига олиб келади.

**Таълимнинг илмийлик тамойили** – ўқувчининг ўқув материалидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шартшароит яратиш мақсади учун зарур аҳамият касб этади. Бу тамойил таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси, жаҳон сивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Бу тамойил таълим вақтида ва ўқишдан ташқари вақтда амалга ошириладиган таълим мазмуни ўқувчиларни обектив илмий далиллар, ҳодисалар, қонунлар, замонавий ютуқлар ва ривожланиш истиқболларини очиб беришга яқинлаштириб, у ёки бу соҳанинг асосий назария ёки консепсиялари билан танишишига йўналтирилган бўлишини талаб этади.

**Таълимнинг фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги** тамойилининг аҳамияти шундаки, умуий ўрта таълим мактабларида ёқ ўқувчилар чуқур назарий ва амалий тайёрликдан ўтадилар. Мазкур ҳолат анъанавий дидактикада таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан

боғлиқлиги тамойили сифатида ифода этилади. Ўқишда фундаменталлик билимларнинг илмийлиги, тўлиқ ва чукур бўлишини кўзда тутади. У юксак интеллектуал салоҳият, фикрлаш лаёқатининг тадқиқотчилик кўринишда бўлиши, билимларини доимий равища тўлдириб бориш истаги ва малакаларини талаб этувчи замонавий илмий-техник тараққиётга асосланганлик билан тавсифланади. Фундаментал билимлар аниқ билимларга қараганда секин эскиради, шунингдек, инсон ва хотирасига эмас, кўпроқ унинг фикрлаш лаёқатига боғлиқ бўлади. Таълимнинг фундаменталлиги билимлар мазмунининг мунтазамлиги, назарий ва амалий жиҳатдан ўзаро нисбатда бўлишни талаб этади.

**Таълим ва тарбиянинг ўйғунлиги тамойили** яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади. Бу тамойил таълим жараёнида баркамол ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутади. Таълим жараёнида тарбиялашнинг самарали кечиши шахснинг интеллектуал ривожланиши, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг қизиқишилари, идрок этиш ҳамда индивидуал қобилиятларининг ҳисобга олиниши билан боғлиқ.

**Таълимнинг тизимлилиги ва изчиллик тамойили** баён қилинаётган ўқув материалини мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларни тўлдиришга хизмат қилишини, ўқувчиларнинг узлуксиз ва тизимли суръатда мустақил иш олиб боришлини, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни ҳам ўз ичига олади.

Изчиллик таълим мазмуни, унинг шакли ва усуслари, ўқув жараёни иштирокчилари бўлган субектларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли. У алоҳида парсиал (юононча *partialis* – қисман) ва хусусий ўқув вазиятлари, предмет ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик, алоқадорлик қонуниятларини аста-секин ўзлаштириш асосида уларни ягона яхлит ўқув жараёнига бирлаштиришга имкон беради.

Изчиллик таълим жараёнининг маълум тизим ва кетма-кетлик асосида бўлишини назарда тутади, зеро, мураккаб масалаларни оддий масалаларни ўрганмай туриб ҳал этиб бўлмайди.

Тизимлилик ва кетма-кетлик у ёки бу ўқув материалини ўзлаштириш суръати, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро мослигини таҳлил қилишга имкон беради. Таълимнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги маълум фанлар бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, борлиқни яхлит идрок этиш ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал этишга имкон беради. Ушбу ҳолатлар биринчи навбатда дастур ва дарслкларни муайян тизимда яратиш, фанлараро ҳамда фанлар ичидаги боғлиқликни таъминлаш эвазига намоён бўлади.

**Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойили** ўқитишини шундай ташкил этишини назарда тутадики, бунда ўқувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усусларини онгли ва фаол эгаллаб олишлари лозим. Билимларни онгли равища ўзлаштириш қуйидаги омил ва шартларга боғлиқ: ўқув мотивлари, ўқувчиларнинг фаоллик даражаси, ўқув-

тарбиявий жараённинг самарали ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан қўлланувчи таълим методлари ва воситаларининг самарадорлиги ва бошқалар. Ўқувчиларнинг фаолликлари репродуктив ва ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Мазкур тамойил ўқувчиларнинг ташаббускорликлари ва мустақил фаолиятларини назарда тутади.

**Таълимда кўрсатмалилик тамойили** ўқитиш жараёни сифатини оширади, ўқувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради. Я.А.Коменский уни дидактиканинг «олтин қоидаси» деб атаган. Унга биноан таълимда инсон сезги оргаларидан фойдаланиш керак. «Агарда биз ўқувчиларда ҳақиқий ва аниқ билимлар пайдо қилишни истасак, унда биз умуман ҳамма нарсага шахсий кузатиш ва сезиб кўриш билан таълимга интилишимиз керак – деб таъкидлайди у – агарда қандайдир предметни бараварига бир неча сезги органлари билан қабул қилиш мумкин бўлса, майли улар бараварига бир неча сезгилари билан ўрганилсин».

Тажрибалар асосида ўрганилаётган нарсани намойиш этиш ва жараён моҳиятини ҳикоя қилиб бериш ўзлаштириш даражасини бирмунча оширади. Хусусан, ахборотларни эшлишиб қабул қилиш самараси 15%, кўриб қабул қилиш эса – 25%ни ташкил этади. Таълим жараёнида, уларни бир вақтда иштирок этиши натижасида маълумотларни қабул қилиш самарадорлиги 65 % гача ортади.

Кўргазмаликдан ўкув жараёни барча босқичларида фойдаланиш мумкин: янги материални ўзлаштириш, уни мустаҳкамлаш, машқларни ташкил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштиришларини текшириш ва баҳолашда.

**Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиш тамойили** деганда ўқув материалларининг мазмуни унинг ҳажми, характеристи, у ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривожига, умумий тайёргарлигига – савияси ва имкониятларига лойик бўлиши тушунилади.

Ёшига мувофиқ ёндашиш ўқувчиларнинг психик хусусиятлари, шахсий ривожланганлик даражаси, маънавий-ахлоқий сифатлари, ижтимоий етуклигини баҳолай олишни назарда тутади. Агарда қўйилаётган талаблар ёки таълимнинг ташкилий тузилиши ўқувчиларнинг ёши имкониятларидан ортда қолса ёки илгарилаб кетса, ўкув фаолиятининг самараси пасаяди. Индивидуал ёндашиш ўқувчиларнинг мураккаб ички дунёсини ўрганиш, юзага келган муносабатлар тизимини таҳлил қилиш ва шахс шаклланиши содир бўладиган кўп турдаги шароитларни аниқлашни талаб этади.

**Таълимда билим қўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш тамойили** муҳим дидактик талаб ва қоидаларни, яъни ўқувчилар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкам, эсда сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган илмий билимларни ўз турмуш фаолиятларида қўлай олиш малакалари билан қуроллантиришни назарда тутади.

Таълимнинг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги талаби дидактикада анъанавий ҳисобланади ва у юзакиликка қарама-қарши қўйилади. Чуқур, мустаҳкам билимнинг асосий белгиси энг фундаментал ғоялар, қоидалар, тушунча, категорияларни тушуниш, чуқур ўзлаштириш, ўрганилаётган материаллар мазмунини пухта англашдан иборат.

**Таълимнинг тушунарлилиги тамойили** ўқувчиларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш, жисмоний ва психик соғлигига ёмон таъсир этувчи интеллектуал ва эмотсионал қийинчиликлардан воз кечишни талаб этади. Таълимнинг тушунарли бўлиши ўқувчиларнинг ёши, билиш имкониятларини ҳисобга олиб ўқишининг мазмунини тўғри аниқлаш демакдир, яъни, ҳар бир ўқув фани бўйича ўқувчилар эгаллаб олиши зарур бўлган билим, амалий кўникма ва малакалари ҳажмини тўғри аниқлашдир. Бу тамойил ўқув жараёнининг ўқувчиларда қийинчиликларни енгиш истагини ҳосил қилувчи ва шахсий муваффақиятларининг натижаларидан қувониш туйғусини юзага келтиришга йўналтирилганлигини ифодалайди. Бу болаларда кўзга ташланувчи қаттиқ ҳаяжонланиш, шунингдек, ўқув масалаларини ечишдаги ишончсизликни йўқотишга ёрдам беради.

### **Мавзу юзасидан саволлар:**

1. Дидактика нимани ўрганади? Мазкур соҳанинг обекти ва предметини изоҳланг.
2. Дидактиканинг асосий категорияларини санаб беринг.
3. Замонавий таълим парадигмаларига нималар киради?
4. Ўқитиш жараёнининг асосий вазифаларига изоҳ беринг.
5. Ўқитиш жараёнининг босқичларига таъриб беринг.
6. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг тузилиши ва ўзига хосликларини изоҳланг.
7. Таълим қонуниятлари деганда нимани тушунасиз?
8. Таълимнинг қандай умумий қонуниятлари мавжуд?
9. Таълимнинг хусусий қонуниятларига нималар киради?
10. Таълим тамойиллари деб нимага айтилади?
11. Таълимнинг мазмунга доир тамойилларига нималар киради?
12. Таълимнинг ташкилий-методик тамойилларига изоҳ беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Гагарин А. Инновационная дидактика высшей школы: теория, технологии, методы: Электронное учебное пособие.  
*/ <https://www.academia.edu/33328359/>*
2. Коржуев А.В. Дидактика высшей школы.-М.:Сентябрь, 2019.-238с.
3. Попков В.П., Коржуев А.В. Дидактика высшей школы.-М.:Мысль, 2020.-234 с.
4. Подласий В.П. Педагогика. Книга в 3-х частях/Дидактика,-М.:Логос, 2013.-468б.

## **2-МАВЗУ. ПЕДАГОГИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ.**

### **РЕЖА:**

1. Олий таълим дидактиканинг асосий муаммолари ва тамойиллари
2. Олий таълимда педагогик жараённи ташкил қилиш ва таълим фаолиятини амалга ошириш усулларини илмий асослаш
3. Дидактикада таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги принципи
4. Оптимал ўқитиш йўлларини аниқлаш, ўқув технологияларининг таркиби, усуллари, шаклларини танлаш.

**Таянч тушунчалар:** олий таълим дидактикаси, ўқитиш йўллари, педагогик жараён, тарбия, шахс, тарбияланганлик, маънавият, ахлоқийлик, тарбия турлари, тарбия қонуниятлари, методлар, воситалар, халқ педагогикаси.

**1. Олий таълим дидактиканинг асосий муаммолари ва тамойиллари.** Олий таълимда дидактиканинг мантиқий ва гносеологик асосларини тушунишга бўлган интилиш ушбу билим соҳасининг замонавий назарий ва услубий муаммоларини излашга ва тушунишга йўналтиради. Л. Клинберг ёзганидек, "Дидактиканинг нафақат илмий самарадорлиги ва фанлар ўртасидаги илмий обрўси, балки амалий таъсири, ўқитиш амалиётидаги самарадорлиги кўп жиҳатдан фаннингасосий назарий ва услубий масалаларини янада жиддий ривожланишига боғлиқ. Илм-фанни илмий-назарий ва услубий тушуниш бу унинг ўзига хослиги, муаммоларнинг бутун спектрининг ўзига хос хусусияти ва таҳлил қилиш воситаларининг мавжудлигидан далолат беради".

Олий таълим дидактиканинг биринчи муаммоси - бу олий ўқув юртларининг замонавий дидактиканни (илмий-педагогик назариялардан бири сифатида) унинг функцияларини амалга ошириш ва унинг илмий мақомини аниқлаш билан боғлиқдир.

Олий таълим дидактиканда кўрсатилганлардан ташқари, бошқа услубий муаммолар ҳам мавжуд. Энг қийинларидан бири бу замонавий университетда ўқув жараёнини ўрганиш учун этарли методикани топиш муаммоси. И.М.Оスマловская [17] дидактик тадқиқотларда табиатшунослик (кузатиш, тажриба) усулларининг кенг тарқалганлигига ишора қиласди. Тажриба давомида алоҳида қийинчиликлар пайдо бўлади, чунки дастлаб тажриба ва назорат гурухларида педагогик жараёнлар оқими учун шартларни тенглаштириш қийин.

Олий таълим дидактиканинг яна бир муаммоларидан бири – ўтказилаётган тадқиқотларда таҳсил олувчиларнинг динамикадаги кўрсаткичларини таққослаш шартларни тенглаштиришга кафолат бермайди. Дидактика гуманитар фандир ва гуманитар билимларнинг илмий характеристига мувофиқ бўлиши керак. Бундай ҳолда дидактикандан аниқлик ва аниқ таърифларни талаб қилишининг ҳожати йўқ. Гуманитар фанлар бирма-бир таърифлаш қийин бўлган мураккаб, кўп қиррали объектларни ўрганади,

масалан "маданият", "жамият", "шахс". Гуманитар фанларда ушбу объектларнинг турли хил таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири объектга нисбатан у ёки бу услубий ёндашувни акс эттиради, у ёки бу жиҳатларни ёритади.

Дидактиканинг гуманитар фан сифатида ривожланиши гуманитар билиш усуллари ролининг ошишига олиб келади: матнларни шарҳлаш (улар рамзий ва рамзий умумлаштириш сифатида қаралади), монографик ўрганиш, типик ёки аксинча, ностандарт вазиятларни феноменологик тавсифи, кейинчалик таҳлил қилиш билан. Дидактикани гуманизатсия қилиш табиий илмий усулларни тўлиқ рад этишни эмас, балки уларнинг аҳамиятини пасайишини талаб қиласди.

Замонавий олий таълим дидактикасининг ахлоқий ва ўз-ўзини англаш муаммоси уни ҳар томонлама тадқиқ қилишни талаб этади. Фалсафа ва фан тарихида ўз-ўзини англаш муаммоси илмий билимларда айнан унинг жамият билан муносабатларининг бурилиш нуқтасида ёки инқирозли дақиқаларида кўтарилиши исботланган бўлиб, бу нафақат интеллектуал мезонларни, меъёрлар ва қадриятларни нафақат мақбул ишлашни, балки ижтимоий фаолиятни ҳам таъминлашга қаратилган эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Дидактик билимларга бўлган ёндашув ва хусусан, олий таълим дидактикасида билим олиш ҳолатининг белгилари аниқ. Бундай шароитда олий ўқув юртларида замонавий ўқитиш назариясида ахлоқий назарийни тавсифлаш зарурати юзага келади. Бу ҳам ОТДнинг асосий муаммоларидан бири сифатида баҳоланади.

Илм-фан этикаси контсептсиясининг асосчиси Р.Мертон, умуман олганда, нормалар тизими функционал рол ўйнайди, олимлар уни ҳаракатга кўрсатма сифатида, ички муҳит сифатида қабул қилишларини аниқладилар. Илмий ахлоқ нормал фаннинг мавжуд бўлиши учун зарур шартдир. Илмий ахлоқнинг императивлари олимлар томонидан ўзлаштирилиб, уларнинг илмий ўзини англаши акс этади. Бинобарин, маълум бир билим соҳасига мансуб олимлар биргаликда фойдаланадиган ахлоқий меъёрларнинг ягона изчил тизими унинг юқори илмий мақомини тасдиқлайди.

Олий таълим дидактикасининг асосий функциялари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. **Синтетик функция** - алоҳида ишончли билимларни ягона, яхлит тизимга бирлаштириш;
2. **Тушунтириш функцияси** - сабаб ва бошқа боғлиқликларни аниқлаш, берилган ҳодисанинг турли хил боғланишлари, унинг муҳим хусусиятлари, келиб чиқиши ва ривожланиш қонуниятлари ва бошқалар;
3. **Методик функция** - назария асосида тадқиқот фаолиятининг турли шакллари, усуллари, методлари, шакллантирилади;
4. **Башорат қилиш функцияси.** Маълум ҳодисаларнинг ҳақиқий ҳолати ҳақидаги назарий ғоялар асосида илгари номаълум бўлган фактлар, объектлар ёки уларнинг хусусиятлари, ҳодисалар орасидаги алоқалар ва бошқалар

мавжудлиги тўғрисида хуросалар чиқарилади. Бу илмий башорат деб номланади;

**5. Амалий функция.** Ҳар қандай назариянинг якуний мақсади амалда ўз ифодасини топиши, ҳақиқатни ўзгартириш учун "ҳаракатга кўрсатма" бўлиши керак. Шунинг учун, "яхши назариядан кўра амалийроқ нарса йўқ" деган ибора дидактикада кенг қўлланилади. У ёки бу даражада ушбу функцияларни олий ўқув юртларида ўқитиш назарияси ҳам амалга оширилади. Агар биз университетда ўқув жараёнининг боришини тавсифласак, ўқитувчининг фаолиятини ва бошқаларни ўргансак, унда биз тавсифловчи функцияни амалга оширамиз. Фаннинг **тавсифловчи функцияси** эмпирик фактларни тўплаш, уларни умумлаштириш асосида илмий муомалага киритиш имконини беради. Тушунтириш функциясини дидактика томонидан амалга оширилиши кузатилаётган ҳодисаларни тушунтиришга, уларнинг моҳиятини очиб беришга имкон беради.

Олий таълим дидактикасида, бошқа гуманитар фанлар сингари, кузатилган ҳодисаларни изоҳлаш табиий бўлганишлардан фарқ қиласди. Ўрганилаётган вазиятда таълим жараёнига қўплаб омиллар таъсир қиласди, уларнинг баъзилари аниқ кузатилади, аммо баъзилари тадқиқотчидан яширинган. Аслида тавсифловчи назария бўлган олий ўқув юртлари дидактикасини методик жиҳатдан тўғрилигини таҳлил қилиш жуда қийин. Масалан, бу олий таълим дидактикасининг кўплаб асосий тамойиллари тизимлаштирилмаганлиги ва таснифлаш учун аниқ асосларга эга эмаслигидандир. Илмий билимларнинг башорат қилувчи вазифаси шундаки, у нафақат воқеа ёки ҳодисани тушунтиради, балки уларни олдиндан башорат қиласди.

Ҳар қандай фан сингари, олий таълим дидактикаси борлиқ ҳақидаги билимларни тўғри акс эттирадиган ҳақиқий билимларга эришишга қаратилган. Ҳақиқий илмий билим инсонга воқеликни ўзгартиришга, унинг кейинги ривожланишини башорат қилишга ёрдам беради. Дидактик билимлар ўқув жараёнини такомиллаштириш ва натижаларини башорат қилиш имконини беради. Н.Л.Коршунова педагогикадаги билимларнинг объективлиги (ҳақиқати) муаммосини ўрганар экан, бошқа илм-фан сингари олий таълим дидактикаси ҳам "фаннынг қаттиқ ядроси" ни ташкил этувчи далилларга асосланган ва асосли билимларни ўз ичига олади.

В. В. Краевский 1977 йилда ўзининг "Илмий асослаш муаммолари (услубий таҳлил)" монографиясида бошланғич дидактик "ўқитиш", "ўқиши", "ўрганиш" тоифаларини, шунингдек, ўрганишнинг моҳиятини акс эттирувчи тушунчаларни: "тарбиявий фаолият", "педагогик жараён", "ўқув ҳаракати" "ўқитиш услуби", "ўқув жараёни", "ўқув лойиҳаси", "ўқув ҳолати" ва бошқаларни тавсифлади. Келинг, уларни батафсил кўриб чиқайлик.

В. В. Краевский фикрича, дидактик даражада ўқитиш- "ижтимоий тажрибани ёш авлодга ўтказиш фаолиятида ўқитиш ва ўқитишнинг бирлиги" сифатида намоён бўлади. В.И.Загвязинский "ўқитиш" ни ўқиши ва ўрганишни

ўз ичига олган жараён деб таърифлайди, унинг моҳияти талабаларни тизимли илмий билимлар билан қуроллантириш, қадриятлар ва анъаналар билан танишитириш, миллий ва жаҳон маданияти ютуқлари асосида таълим ва тараққиётга йўналтиради. И.М.Оスマловская таъкидлашича, "ўрганиш" ва "ўқув жараёни" одатда синоним сифатида ишлатилади.

Замонавий олимларнинг нашрларида таълим, шунингдек, инсоннинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёни ва натижаси, жамиятда ҳаёт учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар тизими сифатида тушунилади. Таъкидлашича, таълим ҳам машғулот шаклида, ҳам ўз-ўзини тарбиялаш шаклида, яъни сўзнинг асл маъносида ўқитувчи иштирокисиз ташкил этилиши мумкин.

Олий таълим дидактикасида **таълим** - билим, кўн икма ва малакаларни эгаллаш, дунёқарашни таркиб топтирадиган жараён, деб тавсифланади. Бунда **билим** – бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги, уларнинг ички зиддиятларидан келиб чиқсан боғлиқлиқдир. У қонуният деб ҳам юритилади. Яъни билим инсоният томонидан мустақил ҳаётда, фаолиятда, жумладан ишлаб чиқаришда зарур бўлган фан асосларини қонунлар ва тушунчаларни ўзлаштириш натижасидир.

Билимни ҳаётда кўп самара берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим. Билим баҳсада керак бўлса, кўникма ва малака меҳнат фаолиятида, дунёни ўзлаштиришда зарур.

**Маълумот** - таълим - тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўн икма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, тарбияланиши ва таълим олиши педагогик жараёнда содир бўлади.

**Кўникма** – малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва ўқувчи – талабаларда кўп маротаба тақрорланадиган машқлар натижасида юзага келадиган ҳаракатлар йиғиндисидир.

**Малака** – таҳсил олувчиларнинг билим эгаллаш ва меҳнат жараёнидаги ҳаракатини (ёки ҳаракатлар мажмуасини) муайян шароитда мақсадга мувофиқ шакллантириш ва шу орқали ўқишида ва меҳнат фаолиятида ижобий натижаларга эришиб, онгли бажаришга тайёр бўлишдир. Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва тақрорлаш орқали малакага айланади

**Маҳорат** – бу мураккаб ишни тез, аниқ бажаришнинг енгиллиги, меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор маромидир.

Таълим жараёнида таҳсил олувчилар муайян маълумотга эга бўладилар.

**2. Олий таълимда педагогик жараённи ташкил қилиш ва таълим фаолиятини амалга ошириш усувларини илмий асослаш.** “Таълим” атамаси олий таълим дидактикасида аниқроқ шаклда ўқитиш жараёнида олинган билим ва кўникмаларнинг шахсий ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Билимли одам нафақат билимдон, балки жамиятдаги

шахсият хусусиятларини жуда қадрлайдиган шахсдир. Таълим шахсга маълум бир "инсон қиёфасини" бериш, шахсни шакллантириш учун шароит яратиб бериш сифатида қаралади.

Педагогик жараён – педагогик категориялардан бири бўлиб, маълум бир мақсадга йўналтирилган катталарнинг педагогик фаолияти таъсирида ташкилий шакллантирилган ва мазмунан бойитилган ҳамда “...тарбиячининг йўналтирувчи ва олиб борувчи раҳбарлик роли натижасида тарбияланувчининг ўз-ўзини тараққий эттиришидир”

Педагогик фаолият- эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий каби мақсадларга мувофиқ равишда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг ақлан ўйлаб кўрилган, катта ёшдагиларнинг ижтимоий зарур бўлган меҳнатининг ўзига хос туридир.

Ўз-ўзини англаш – шахснинг ўзига ва ўз фаолиятига бир жамоа ёки бутун жамият нуқтаи назаридан баҳо бера олиш. Таниқли режиссер К. Станиславскийнинг: “Театр қаердан бошланади? – Албатта, – кийим илиш жойларидан бошланади”,-деган ибораси машҳур бўлса, педагогикада - “педагогик фаолият – оиласдан бошланади”, дейиш мумкин.

Ягона педагогик жараён тушунчаси дидактиканда асосий таърифлардан биридир. Дидактиканда ўз-ўзидан содир бўлган табақалаштириш ва интегратсия, ўқитувчи ва ўқитувчи вазифаларини чегаралашга олиб келди. 19-асрнинг ўрталариға келиб, жамиятда таълим ва тарбиянинг яхлитлиги учун илмий тортишувлар пайдо бўлди.

**Яхлит педагогик жараён тушунчаси ва унинг тузилмаси.** Таълим - бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, шахс, оила, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган, шунингдек, олинган билим, кўникма, қадриятлар, қарашлар, тажриба ва компетентсияларнинг муайян ҳажм ва мураккабликдаги бирикмаси бўлган жараёндир.

Педагогик жараён-шахснинг интеллектуал, маънавий, ахлоқий, ижодий, жисмоний, касбий ривожланиши, унинг таълим эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш.

Педагогик жараённинг протессуал ва ишлаб чиқариш жиҳатлари уларнинг узвийлигига амалга оширилади. Педагогик жараён муҳим ҳодиса сифатида қадимги даврлардан бери мавжуд бўлиб, бу аввалги авлодлар томонидан тўпланган тажрибани янги авлодларга этказиш, ушбу тажрибани такомиллаштириш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиши, жамият барқарорлиги учун заруриятдир. Педагогик жараён асрлар давомида тақорорланади ва ривожланади, замонавий таълим даражаси унинг ривожланишининг кейинги босқичидир.

Педагогик жараёнда ишлаб чиқилган асосий принциплар, қоидалар ва маҳсус тушунчалар мактаб ҳамда маҳсус педагогика гурухларидаги педагогик фан тармоқлари, дидактика принциплари ва умумий педагогикадаги қонун-қоидаларни, таълим-тарбия беришнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўзгартирадилар ва ўз соҳасига мослаштирадилар.

Дидактиканда таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги принципи. Педагогик жараён-бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган маҳсус ташкил этилган, мақсадга мувофиқ бўлган ўзаро муносабат.

Педагогик жараён - бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган маҳсус ташкил этилган, мақсадга мувофиқ бўлган ўзаро муносабат. Ўқитувчи педагогик жараённи ташкиллаштирадиган ва бошқарадиган шахсдир.

Педагогик жараённинг асосий тушунчалари: шахс, тарбия, таълим, шаклланиш, ривожланиш, педагогик мухит

Ўқитувчи педагогик жараённи ташкиллаштирадиган ва бошқарадиган шахсдир. Замонавий педагогик жараён кўп асрлар давомида шаклланган ва ривожланган назарияларга асосланади. Таълим, тарбия ва шахсий ривожланишнинг деярли ҳар қандай замонавий назарияси ўтмишдаги психологияк ва педагогик ғоялар ва тушунчаларга таянади. Педагогик жараённи илмий жиҳатдан англашга бўлган биринчи уринишлар қадимги даврларда ҳам мавжуд эди. Бу борада Афлотун, Аристотел, Сукрот, Демокрит ва бошқа қадимги юонон файласуфларининг таълимоти ҳақидаги қарашлар кенг тарқалган. Уларнинг фазилатларни тарбиялаш ҳақидаги ғоялари бугунги кунга қадар долзарбдир.

XX асрда турли мамлакатларда педагогик жараён ва тизимлар ҳақидаги назариялар пайдо бўлди, уларнинг марказида шахсга йўналтирилган таълим етакчилик қилди (Ж. Дио, Л. Колберг, Р. Штайнер ва бошқалар). 1930-1980 йилларда шахсни тарбиялаш назарияси катта муваффакият қозонди.

Тарбияланувчи - бу инсоният томонидан унинг барча хилма-хиллиги бўйича тўпланган тажрибани ўзлаштириш учун зарур шарт бўлган субъект. Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолият субъекти (рақамлар) сифатида педагогик жараённинг асосий таркибий қисмидир. Педагогик жараён таркибий қисмларига унинг мақсади, натижалари, мазмуни, ташкил этилиши ҳам киради.

**3. Дидактиканда таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги принципи.** Дидактиканда тарбия мухим ўрин эгаллади. Жамият ва педагогиканинг тарихий ривожи давомида мазкур категорияни тушунтиришга турлича ёндашувлар юзага келди. Энг аввало, кенг ва тор маънодаги тарбия фарқланади.

Тарбия тамойиллари йўл - йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланади. Тарбиядан кўзланган асосий мақсад- ҳар томонлама маънавий ривожланган, ақлий ва ахлоқий баркамол мутахассис шахсини шакллантиришдан иборат. Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир. Тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги бўлажак мутахассисларнинг ахлоқий, маънавий тарбияланганлик истиқболларини кўра билишда ёрдам беради.

Инсон пайдо бўлибдики, тарбия жараёни ва тамойиллари мавжуд.

Тарбия жараёни шахсни мақсадга мувофиқ тақомиллаштириш учун ўюштирилади ва тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия жараёнида бўлажак мутахассисда ҳистойғулар ва турли қобилияtlари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, медитсина соҳасидаги билимлари таркиб топади. Тарбия жараёнида ёшларда жамиятнинг мутахассис шахсига қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатлари ҳосил қилинади.

Тарбия асосида ёшларда милий қадриятларга хурматни кучайтириш, инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларга, миллатлараро тотувлик, багрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илгор маданиятни шакллантириш, диннинг дунёвийлик билан қарама-қарши эмаслигини англаш, хуқуқий маданият- соғлом дунёқарашнинг муъхим омили экани тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш, маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботлаш каби тамойилларга таянади.

Тарбия мазмуни деганда, қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлиқлика таълим олувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, малака, эътиқод, шахс сифати ва характеристи, хулқ-автор тизими тушунилади.

**Тарбиянинг умумий вазифалари:**

- жамият аъзоларининг мақсадга йўналтирилган ривожланиши ҳамда уларнинг қатор эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиш;
- жамият ривожи учун зарур бўлган ижтимоий маданиятга мос етарлича ҳажмдаги “инсон капитали” ни тайёрлаш;
- маданиятларни узатиб туриш орқали ижтимоий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлаш;
- маълум жинс ёши ва ижтимоий-касбий гуруҳларнинг қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий муносабатлар доирасида жамият аъзоларининг ҳаракатини тартибга солиш.

**Дидактикада тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари:**

- мақсадга йўналтирилганлиги;
- кўп қиррали жараён;
- узоқ муддат давом этиши;
- узлуксизлиги;
- яхлитлиги;
- вариативлиги;
- натижаларнинг олдиндан аниқланмаслиги; бироқ кафолатланиши зарурлиги;
- икки томонламалилик.

Тарбия қонуниятлари – бу бир томондан, ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг хусусиятлари, иккинчи томондан, шахснинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган барқарор алоқалар йиғиндиси.

Тарбия жараёнининг қуидаги қонуниятлари мавжуд:

- ижтимоий муҳитнинг обектив ва субектив омилларига боғлиқлиги;
- тарбиянинг шахснинг ривожланиши билан бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- фаолият ва муносабатни эътироф этиш шахснинг ижтимоий аҳамиятга га фазилатларини шакллантиришнинг негизи ва асосий манбаи;
- тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсири, ўзаро муносабатлари ҳамда фаол фаолияти ўртасидаги боғланиш;
- тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг интенсивлиги;
- тарбияланувчининг “ички олами” га таъсир этишнинг интенсивлиги;
- тарбияланувчиларда вербал ва сенсомотор жараёнларнинг ривожланиш даражаси ва педагогик таъсирни ҳисобга олиш.

Тарбия тамойиллари – бу тарбиявий ишнинг йўналишига, мазмунига, методлари ва ташкил этилишига, тарбия жараёнининг иштирокчилари орасидаги муносабатларга қўйиладиган асосий талаблар ифодаланадиган дастлабки қоидалардир.

Тарбия жараёни қуидаги тамойиллар асосида бошқарилади:

- мақсадга қаратилганлиги ва ғоявий йўналганлиги;
- тарбиянинг инсонпарварлашуви;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан боғлиқлиги;
- тарбияга яхлит(комплекс) ёндашув;
- жамоада тарбиялаш ва жамоага суюниб иш кўриш;
- шахсга талабчанлик билан ҳурматни бирга қўшиб олиб бориш;
- ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари ва оиласининг талаб ҳамда тарбиявий таъсирларининг бирлиги;
- тарбияланувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- тарбия жараёнининг тизимлигиги ва узлуксизлиги.

**4. Оптимал ўқитиши ўқув технологияларининг таркиби, усуллари, шаклларини танлаш.** Ўқув-тарбия турлари турли соҳаларга кўра тасниф этилади. Кўпроқ умумлашган тасниф ўзида ақлий, меҳнат, жисмоний тарбияни қамраб олади. Таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларнинг турли йўналишлари билан боғлиқликда фуқаролик, сиёсий, байналмилал, ахлоқий, эстетик, меҳнат, жисмоний, хуқуқий, экологик, иқтисодий тарбияга бўлинади. Институтсионал белгиларига бўйича оила, таълим муассасаси, таълим муассасасидан ташқари, диний, болалар, ёшлар ташкилотларидаги тарбия, маҳсус таълим муассасаларидаги тарбияга бўлинади.

Тарбия ва тарбияланувчилар орасидаги муносабатлар услубига кўра авторитар, демократик, либерал, эркин тарбия; турли фалсафий контсептсиялар билан боғлиқликда прагматик, аксиологик, жамоавий, индивидуал тарбия фарқланади.

Тарбия жараёнида асосий вазифа таълим-тарбия бериш, ёшларда билим, кўникма, малакаларни муттасил ошириб бориш, уларда тафаккур, илмий дунёқарааш ва мафкуравий тушунчаларни шакллантиришдан иборатдир.

Мафкура-инсон руҳияти, тафаккур ва дунёқарашини ўзгартирадиган кучли воситадир. Унинг ғоялари халқнинг ишонч - эътиқоди, интилиш ва манфаатлари ифодасига айланса этарлича самара беради. Шунинг учун ҳам мафкура соҳасидаги тарғибот ва ташвиқот ишларини, Таҳсил олувчиларнинг тушунчаси, ақл - идроки ва тафаккур даражасини инобатга олган қолда марифий йўл ва усувлар орқали амалга ошириш тақоза этилади.

**Тарбияда инсонпарварлик ва демократия тамоиллари.** Ўқитувчининг билим савиёси маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, тараққиёттга элтувчи этакчи омиллардан биридир. Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир инсоннинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий хуққи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим. Тарбияни демократиялаш - бу тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлирдан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Тарбиявий фаолиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш унинг моҳиятини ва мазмунини қайта тафаккур этишни кўзда тутади. Шахснинг ривожланиши ва ўзлигини англашни таъминлайди.

**Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги.** Ёшларни Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, маданий ва диний билимларини эгаллашга бўлганталабларини шакллантириш, малакаларини ошириб, тобора бойитиш, эстетик тушунчаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг қўп асрлик қадриятларини улкан бой ва маданий меросини чукур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий ғуур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас. У яратган маданий бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали таҳсил олувчилар гўзал ахлоқ, баҳт, инсоф, поклик, меқр - шавқат, ота - онани ҳурмат қилиш қоидалари қақида кенг тасаввурга эга бўладилар. Инсонийлик - ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, дўстлик, ота - онага садоқатлилик, меқнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни ҳамраб олади. Шу сабабли инсондаги энг яхши фазилатлар авлоддан - авлодга кўчиб келган.

**Тарбияда изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлик йўналиши.** Тарбия ишида изчиллик жуда муҳим. Тарбия узоқ давом этадиган жараён, шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя қилиш керак. Бу қоида тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларни биргаликда иш кўринишларини назарда тутади. Чунки тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолининг барча қатламларини камраб олиши керак.

Тарбиянинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан жамиятдаги ижтимоий институтларнинг ривожланишига боғлик. Бўлажак мутахассисда ма`навий ва инсоний сифатларнинг шаклланишида оиласдаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва муносабат мўҳим ўрин эгаллади. Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай методдан фойдаланишига боғлик.

Метод, яъни услуб, ахборотни узатиш ва қабул қилиш характеристига қараб бир неча турларга бўлинади:

- Сўз орқали ифодалаш;
- Кўргазмалилик;
- Амалий намуна;
- Иродани сафарбар этиш;
- Рағбатлантириш ва жазо;
- Ижтимоий онгни шакллантириш.

Бу методлар ўз навбатида қўйидаги гурухларга бўлинади.

Биринчи гурух - сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшлиши орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, сұхбат ва бошқа услублар;

Иккинчи гурух - кинофильмлар, тасвирий санъат, бадиий санъат ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш услублари

Учинчи гурух – тарбия жиҳатларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўрнак кўрсатиш, бошқалар меҳнатини мисол тариқасида кўрсатиш.

Тўртинчи гурух – яхши бажарилган ишларни маъқуллаш, миннатдорчилик билдириш, иқтисодий ва ма`навий рағбатлантириш.

**Тарбия воситалари** бирон - бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади. (Кўрсатмали кўникумалар, китоблар, радио, телевидение). Бундан ташқари бўлажак мутахассислар жалб қилинган фаолият турлари кинофильмлар, медитсина хариталари, спорт ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари бўлиши мумкин.

Тарбия жараёнининг хусусиятлари				
Кўп қиррали жараён	узок муддат давом этади	яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга ошади	Икки томонлама хусусият, боланинг фаоллиги	Қарама-каршиликлар кўплиги

Тарбия методи (юнонча «metodos» – йўл) тарбия мақсадига эришишнинг йўли. Тарбия амалиётига татбиқ этилганда, методлар – бу тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усулларидир.

Тарбия усуллари – умумий методнинг бир қисми, алоҳида ҳаракати, янада аниқлашуви. Образли айтганда, усуллар – бу қўйилган мақсадга тезроқ эришиш учун тарбиячи ўзининг тарбияланувчилари билан йўл очадиган ўрганилмаган сўқмоқ. Агар уни бошқа тарбиячилар ҳам фойдалана бошласа,

у ҳолда аста-секин усуллар кенг устунли йўллар – методларга айланиши мумкин.

Шу жиҳатдан олганда, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлган оилани мустаҳкамлаш бутунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланиши лозим.

**Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини камол топтиришнинг психологик-педагогик асослари.**

**Ўз-ўзини тарбиялаш методлари.** Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, яъни, ўз устида онгли, бартартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисоблаш мумкин. Тарбия жараёнида ўз-ўзини тарбиялаш методларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

**Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият методи.**

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий фазилатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

**Ўз-ўзини баҳолаш** мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият методи.

Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабабли асос бўлиши, яъни, тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқлари, атрофдагиларнинг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

Мактаб амалиётида изоҳлаш ишонтиришга таянади. **Ишонтириш** воситасида ўқувчи руҳиятига сезиларсиз ҳолда таъсир этилади. Бошлангич синф ўқувчилари ҳамда ўсмирлар ишонувчан бўлишади. Педагог ишонтиришдан тарбияланувчи маълум кўрсатмани қабул қилиши зарур бўлган вазиятларда фойдаланади. Мазкур методдан бошқа методларнинг таъсирини қучайтириш учун ҳам фойдаланилади.

**Мунозара** тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий, эстетик ва ҳуқуқий мавзуларда ўтказилади. Мунозара турли нуқтаи назарлар тўқнашган вазиятда ўқувчиларда маълум ҳодисага нисбатан ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

**Машқ ва ўргатиш методлари** муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга

одатлантиришдир. Одатлар болалиқдан таркиб топади ва шахс ривожланишининг кейинги босқичларида мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчи ҳамда ота-оналар болаларда ижобий одатларнинг тарбияланиб бораётганлигини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларни ўз яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар атрофдагилар билан фаол мулоқотга киришишлари туфайли тақлид қилиш, узлуксиз тарбияни йўлга қўйиш асосида таркиб топтирилади. Натижада одат ҳарактерга айланади.

Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, ижобий жараёндир. Машқ натижасини кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, маънавий-ахлоқий сифатлари бойийди, ҳаётий тажрибаси ортади.

Ўргатиш тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

**Топшириқ** ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган метод. Ўқувчиларнинг топшириқларни жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўз кучларини умум ишига сарфлашга, жамоа учун масулиятни ҳис этишга ўрганадилар, меҳнат қилиш ўқувчиларнинг ҳаракатларини шакллантиради, мустаҳкамлайди.

**Педагогик талаб** турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок этиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари. Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим методларидан биридир. Педагогик талаб маълум ҳаракатларни рағбатлантирувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи ҳамда ўқувчини оқилона ҳаракатларни бажаришга ундовчи ҳарактерга эга бўлиши мумкин.

**Рағбатлантириш** тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнглини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш методидир. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи шахсида рўй берадиган ижобий ўзгаришларни англаш олиши зарур.

**Танбеҳ бериш** – энг муҳим жазо чораси. Ўқитувчи ўқувчига юзма-юз туриб танбеҳ беради, буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

**Уялтириш** – ўқувчининг маълум хатти-ҳаракатларига жамоа ёки унинг тарбия учун масул бўлган субектлар (ота-оналар, васийлар, жамоатчилик вакиллари ва бошқалар) олдида баҳо бериш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус ва шарм-ҳаёдир. Инсонда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало, ўзини хурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳис-туйғуларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизартиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

**Тарбия методларини танлаб олиш шартлари.** Методнинг ижобий ва салбийси бўлмайди, тарбия жараёнида маълум йўлни юқори даражадаги самарали ва самарасиз дея баҳолаш мумкин эмас. Методнинг самарадорлигини у қўлланилаётган шароит нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин.

Тарбия методларини мақсадга мувофиқ танлаш бир қатор омилларга боғлик:

Ушбу методлардан фойдаланиш зарурияти кўрсатмалилик тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқ эканлигига кўринади. Инсон миясининг 30 фоиз ҳажмини кўришни, фақат З фоизигина эшитишни таъминловчи нейронлар ташкил этади. Педагогик-психологик йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладики, шахс томонидан ўзлаштирилаётган билимларнинг 85 фоизи кўриш рецепторлари ёрдамида ўзлаштирилади. Демак, ўзбек халқи томонидан кўп бора қўлланиладиган “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши” мақоли илмий асосга эга экан.

**Намойиш методи** ўрганилаётган объект ҳаракат динамикасини очиб беришда кўл келади ва айни чоғда предметнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши ҳақида тўлақонли маълумот беришда кенг қўлланилади

Табиий объектларни намойиш қилишда одатда унинг ташқи кўриниши (шакли, ҳажми, миқдори, ранги, қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари)га эътибор қаратилади, сўнгра ички тузилиши ёки алоҳида хусусиятларини ўрганишга ўтилади. Кўрсатиш кўп ҳолатларда ўрганилаётган объектларнинг субъекти ёки чизмаси ёрдамида кузатилади. Тажрибалар намойиши эса синф тахтасига чизиш ёки ўқитувчининг маҳсус жиҳозлар ёрдамида кўрсатиб бериши ҳисобига амалга ошади.

Предметлар, ҳодиса ёки жараёнларни табиий ҳолатда намойиш қилиш янада кўпроқ дидактик самара беради, бироқ, бундай намойишни амалга ошириш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Шу боис, бугунги кунда турли виртуал лабораторияларни ташкил қилиш, ахборот таълимий электрон ресурсларидан фойдаланилади.

Метод ёрдамида ўқитувчи талабаларни мустақил равишда объектларни ўрганиш, зарурий ўлчов ишларини олиб бориш, алоқадорликни ўрнатиш, шунингдек, ҳодисаларнинг моҳиятини англаш етишга бир сўз билан айтганда фаол билиш жараёнига йўналтириши лозим. **Тасвирлаш (иллюстрация)** методи намойиш методига чамбарчас боғлиқ бўлсада, дидактикада алоҳида ўрганилади.

**Тасвирлаш** нарса, ҳодисалар ва жараёнларни уларнинг рамзий кўринишлари – чизма, порт, расм, фотосурат, ясси моделлар ва бошқалар ёрдамида кўрсатишни тақозо этади


Намойиш ва тасвир методлари ўзаро боғлиқликда бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади. Агар ҳодиса ва жараённи талаба яхлит ҳолда қабул қилиши зарур бўлса намойишдан фойдаланиш, агар ҳодиса моҳияти ҳамда унинг унсурлари ўртасидаги боғланишларни англаш талаб этилса иллюстрацияга мурожаат қилинади.

Тасвирнинг самараси кўпинча ўқитувчи томонидан кўрсатув технологияси қай даражада ўзлаштирилганлигига боғлиқ бўлади. Кўрсатмалардан фойдаланишининг билиш жараёнидаги дидактик аҳамияти ўрганилаётган объект моҳиятини тўлақонли ёрита олиши билан белгиланади. Аслида иллюстрациялар олдиндан тайёрланиб, дарс жараёнида зарур

ўринларда керакли ҳажмда кўрсатилади, акс ҳолда улар сонининг ошиб кетиши талабаларни ҳодиса моҳиятини англашда чалғитади. Айрим ҳолларда тарқатма материаллар (фотосурат, жадвал, табиий обьектлар ва бошқалар) ёки техник воситалар хизматидан фойдаланишга тўғри келади.

**Амалий ишлар методи** ўзлаштирилган билимларни амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган жараёнда кўллашни тақозо этади, бунда назарий билимларни амалиётда кўллаш кўнкимаси ҳосил қилинади

**Амалий ишлар методи** талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар ёрдамида уларда амалий кўнким ва малакаларни ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади:



### Амалий ишлар методларининг турлари

Қайд этилганидек, ушбу методлар талабаларда амалий кўнким ва малакаларни шакллантиришга ёрдам беради. Айнан амалий фаолият жараёнида назарий билимлар ҳаракатдаги шаклга эга бўлади.

**Машқ** – ақлий ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўнкимларини эгаллаш йўлидаги кўп марта такрорланишлар бўлиб, машқсиз кўнкимма ҳамда малакаларни шакллантириш мумкин эмас. Машқлар оғзаки, ёзма, графикавий (техник жараёнлар моҳиятини ифодалаш), ижтимоий-фойдали, жисмоний ва бошқа турларга бўлинади.

**Ёзма машқлар** – таълимнинг таркибий қисми сифатида зарурий кўнким ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида кўлланилади.

**Графикавий ишлар** жиҳатларига кўра ёзма ишларга ўхшаш бўлиб, улардан асосан техник жараёнларда кенг кўламда фойдаланилади.

Машқларнинг бажарилиш самараси қуйидаги шартлар ҳисобга олинганда бирмунча юқори бўлади: **машқларни бажришга нисбатан онгли ёндашиш; бажариш қоидасини билиш; вақт бўйича такрорланишнинг тўғри тақсимланиши.**


Машқни бажаришни ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат: ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши; топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши; ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан ўқув ҳаракатининг дастлабки бажарилиши; зарур кўнкимма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши.

Айрим ҳолатларда талабалар овоз чиқариб (масалан, тил ўзлаштириш (инглиз, япон, хитой ва б.) тилларни ўзлаштириш машғулотларида ўқув ҳаракатларини такрорлашлари ва бажаришлари лозим бўлади. Улар изоҳли машқлар деб номланади ва бажариладиган ҳаракатларнинг моҳиятини англаган ҳолда кўнкма ва малакаларни эгаллашга имкон беради.

**Лаборатория ишлари** талабаларнинг жиҳоз, маҳсус ускуна, курол ҳамда турли техникавий қолиплардан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ўтказиш методлари бўлиб, улар кўпроқ табиий фанлар асосларини ўрганишда кўлланилади. Бу метод талабаларнинг асбоб-ускуналар билан иш кўриш, ўлчаш ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш каби кўникумаларини тезкор шакллантиришга имкон беради. Лаборатория ишларини бажариш маҳсус қурилма ва жиҳозлар, шунингдек, материаллар ҳамда вақтни сарфлаш, уларни ишга тайёр ҳолатга келтиришни талаб этади. Бироқ бу ҳаракатлар талабаларнинг юқори даражадаги фаоллиги асосида мустақил равища тажриба ва ўлчаш ишларини ташкил этиш билан такомиллаштирилиб борилади.

Лабораториядан амалий ишларнинг фарқи шундаки, бу метод талабаларнинг мавжуд назарий билимларни амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган фаолиятини ташкил этишга хизмат қиласди. У талабаларнинг билимларини чукурлаштириш, билиш фаолиятини назорат қилиш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш борасидаги кўникумаларини шакллантириш каби функцияларни бажаради.

Амалий машғулотларда талабаларнинг билиш фаолияти қўйидаги беш босқичда ташкил этилади:



Олий таълимда талабаларнинг эгаллашлари лозим бўлган компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион таълимга мақсадли жалб қилиш учун этарли психологик-педагогик шароитлар зарур. Бунга қўйидагилар киради:

- асосий таълим дастурлари мазмунини амалий йўналтирилган вазифалар билан бойитиш;
- касбий ва ўқув жараёнида компетенцияларни ривожлантириш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- контекстли компетенсия ёндашуви асосида мустақил ишни ташкил этиш;
- таълим натижаларини мунтазам равишида кузатиб бориш.

Олий таълимда инновацион таълимни амалга ошириш шакллари ва усуллари: таълим технологиялари, ахборот-коммуникатсия технологиялари, дастурлаштирилган технологиялар, стрим технологиялари ва б.

Билимларни тизимлаштириш ва кўргазмали намойиш этиш технологиялари сирасига маъруза-визуализация, мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини тузиш, жадваллар схемаларини тўлдириш, рефератлар тайёрлаш, диаграммалар, чизмалар, технологик хариталар билан ишлаш, мавзу бўйича адабиётларни тизимлаштириш, тузилган жавоб билан дастурлаштириладиган сўров киради.

Ахборот-коммуникатсия технологиялари: дастурлаштирилган таълим, интерфаол диалог, ўқув маълумотларини компьютерда визуализация қилиш, компьютерда моделлаштириш, ўқув дастурларидан иборат.

Таълимни ривожлантириш технологиялари: муаммоли маъруза, маъруза-мунозара, муайян вазиятларни таҳлил қилиш, ташкилий ва ақлий ўйинлар, ўқув ва касбий матнларни танқидий таҳлил қилиш, лойиҳалар усули, ижодкорликни ривожлантириш бўйича тренинглар, диагностик ўқув семинари, ривожланиш диагностикаси, амалиётга йўналтирилган вазифалар.

Олий таълим дидактикаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати ўқитишида ахборот технологияларининг роли ошиб бориши билан тавсифланади. Ахборот-коммуникатсия технологиялари орқали талабалар томонидан билимларни ўзлаштириш одатий технологияларга қараганда анча тезроқ. Ушбу технологиялар билимларни ривожлантириш, эгаллаш ва тарқатиш хусусиятини ўзгартиради, ўрганилаётган фанларнинг мазмунини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, уни тезда янгилаш, ўқитишининг янада самарали усулларини қўллаш, шунингдек, таълим олиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 70 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли Қарори// -Т.; Халқ сўзи газ. 2017. 79(6773)-сон. -48 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3151-сонли қарори// -Т.; Ўзб.Рес.Қонун хужжатлари тўплами. 2017. 30-сон. 729-модда.

4. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. М.: Просвещение, 2016. 141 с.

5. Борисова Н.В. Педагогические особенности создания и внедрения системы активных методов обучения в институте повышения квалификации: Дис. ...канд. пед. наук. М, 2019. 334с.

6. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. М.: Высшая школа, 2012. 207 с.

7. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. М.: Просвещение, 2014. 165.

8. Скаткин М.Н., Краевский В.В. Содержание общего среднего образования: Проблемы и перспективы. М.: Педагогика, 2017. 208 с.

### 4-МАВЗУ: ДИДАКТИК ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

#### РЕЖА:

1. Дидактик тизим тушунчаси. Дидактик тизимлар ва ўқув моделлари
2. Педагогик жараён иштирокчиларининг профессионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар.
3. Касбий дидактик тайёргарликнинг ривожланишини таъминлайдиган педагогик функциялар тизими.

**Таянч тушунчалар:** дидактик тизим, педагогик жараён, касбий фаолият, касбий тайёргарлик, ривожланиш, педагогик функциялар тизими.

**Дидактик тизимлар ва ўқув моделлари.** Дидактик тизим деганда маълум мезонларга кўра танланган яхлит таълим тушунилади. Дидактик тизимлар экспедициянинг ички яхлитлиги билан ажralиб туради, мақсадлар, ташкилий тамойиллар, мазмuni, ўқитиш шакллари ва усулларининг бирлиги билан шаклланади. Тузилмаларнинг ўзига хос хусусияти бугунги тадқиқотчиларга учта тубдан фарқ қиласидиган дидактик тизимни ажратиб олишга имкон беради:

- 1) И.Ф.Гербартнинг дидактик тизими (дидактика);
- 2) Д. Девининг дидактик тизими;
- 3) Замонавий мукаммал тизим.

Немис файласуфи ва педагоги И.Ф. Гербарт (1776-1841), Я.А. Коменскийнинг анъанавий синф-дарс тизимини танқидий қайта кўриб чиқди. Коменский, ахлоқ ва психологиянинг назарий ютуқлари асосида “педагогиканинг илмий тизимини” яратди. Гербартнинг



фикрига кўра, таълимнинг энг юқори мақсади юқсак ахлоқий фазилатларга эга шахсни, ахлоқий жиҳатдан кучли характерли шахсни шакллантиришдир. Унинг фикрича, таълим қуидаги ахлоқий ғояларга асосланган бўлиши керак:

- шах интилишларининг йўналишини, фаолият соҳасини ва салоҳиятини белгилайдиган мукаммаллик;
- хайриҳоҳлик, ўз иродасини бошқаларнинг иродасига мувофиқлаштириш ва бўйсунишни таъминлаш;
- одамлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайишига йўл қўймаслик ва б.

Дидактик тизимни яратар экан, замонавий психологиядан Гербарт иккита асосий ғояга таянди:

- ирсий ёки орттирилган руҳий мойиллик мавжуд эмас;
- барча ақлий ҳаёт ғоялар асосида шаклланади.

Гербартнинг психологияси ва этикаси метафизик характерга эга эди ва у таклиф қилган дидактика немис идеалистик фалсафасига асосланган эди. Гербарт ўқитиши тизимининг асосий хусусиятлари қуидагилар эди. Мактабнинг асосий вазифаси – таҳсил олувчиларнинг интеллектуал ривожланишига ғамхўрлик қилиш, тарбия эса оила масаласидир. Ахлоқий жиҳатдан кучли характерларни шакллантириш учун тўғри педагогик этакчилик, интизом ва шу билан боғлиқ таълим хизмат қиласди.

Америка файласуфи, психологи ва педагоги Жон Дьюининг дидактик тизими жамият ва таълим муассасасининг изчил ривожланиши билан зиддиятга келган гербартчиларнинг авторитар дидактик тизимига қарши туриш мақсадида ишлаб чиқилганди. Ж. Дьюи томонидан интизомий чоралар асосида таҳсил олувчиларга юзаки таълим бериш танқидга учради. Шунингдек, педагог ҳаёт билан боғлиқ бўлмаган таълимнинг эскиргани; таҳсил олувчиларга "тайёр" билимларни бериш, ёдлашга қаратилган "пассив" усуллардан фойдаланиш; талабаларнинг қизиқишилари, эҳтиёжлари этарли даражада ҳисобга олинмаганлиги; таълим мазмунини ижтимоий эҳтиёжлардан ажратиш; талабаларнинг қобилиятларини ривожлантиришга этарлича эътибор бермаслик жиддий педагогик хатоларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлади.

Олий таълим муассасаларида педагогик жараёнлар икки кичик тизим доирасида, яъни дарсда ва дарсдан ташқари фаолият жараёнларида амалга оширилади. Бу жараёнларни ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган ташкил этувчи қисмларнинг ички табиатига хос бўлган жараёнларни ўз ичига олган ҳамкорликдаги фаолиятлар, шунингдек, ички шароит ва имкониятлар педагогик тизимни ташкил этади, бунда тизимнинг субъекти ҳисобланган педагоглар, ўқувчи-талабалар, ота-оналар ва раҳбарларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.



Дидактик тизим таълим муассасасининг мақсади, вазифаси, таълим муассасаси томонидан танланган модель, стратегиялари орқали тавсифланади. Яъни ижтимоий тизим турларидан бири ҳисобланган педагогик тизим—ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, педагогик жараёнларни ташкил этиш мақсадларига хизмат қилувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган компонентлар мажмуудан иборатdir. Педагогик тизим белгиланган мақсад йўналишида, субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, раҳбарлар ва педагог ходимларнинг функционал вазифаларини амалга ошириш ва бошқаришда ташки мухит билан ўзаро таъсир кўрсатувчи, алоҳида хусусиятларга эга бўлган ўзаро боғлиқ қисмларнинг яхлит ҳолда вужудга келишидир.



Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар, яъни маъруза, семинар, амалий машғулот, тўгарак машғулотлари, экскурсия, давра суҳбати, учрашувлар, фанлар бўйича ташкил этиладиган мусобақа ва танловлар, санъат фестиваллари, конференция, ва бошқа турли йўналишлардаги тадбирлар, мустақил таълим, ўзини-ўзи тарбия, мустақил маълумот, мустақил ишлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлар, тарбиявий муносабатлар жараёни (инсон-инсон, инсон-техника-инсон, инсон-китобинсон, инсон-табиат-инсон, инсон-санъат-инсон муносабатлари), ҳамда педагогик тажриба-синов ва педагогик амалиёт жараёнлари мажмуи ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги педагогик тизимни ташкил этади.

XXI асрда олий таълим дидактикасида **янги йўналишлар** қаторида таникли америкалик психолог ва педагог Жером Брукнер томонидан ишлаб чиқилган "кашфиётлар орқали" ўрганиш контсептсияси алоҳида эътиборга лойиқdir. Унга мувофиқ талабалар воқеликни ўрганишлари, билимларни ўзларининг кашфиётлари орқали ўзлаштиришлари керак, булар барча билим кучларини ишга солишни талаб қиласди ва самарали фикрлашни ривожлантиришга ниҳоятда самарали таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, талабалар бундан олдин ўзлари учун номаълум бўлган умумлаштиришларни мустақил равишда шакллантиришлари, шунингдек уларни амалий қўллаш кўникума ва малакаларига эга бўлишлари керак.

Амалий педагогик фаолият асослари бўлиб ҳисобланмиш замонавий олий таълим дидактикаси қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

1. Унинг услубий асосини билимлар фалсафаси (гносеология), материализмнинг объектив қонунлари ташкил этади, бунинг натижасида замонавий дидактика ўкув жараёнини таҳлил қилиш ва талқин қилишда бир томонлама ёндашувдан четлашди.

Замонавий олий таълим дидактикаси *прагматизм, ратсионализм, эмпиризм, технократизм* каби фалсафий тизимларга эга.

2. Замонавий дидактик тизимда ўқитишининг моҳияти тайёр билимларни бериш ёки қийинчиликларни мустақил равишда энгиб ўтиш, талабалар

томонидан яратилган қашфиётлари билан боғлиқ эмас. Бу таҳсил олувчиларнинг ўз ташаббуси ва мустақиллиги, фаоллиги билан педагогик менежментнинг оқилона комбинатсияси билан тавсифланувчи моҳият ва маъно қашф қилувчи жараёндир. Замонавий дидактика оқилона ратсионализмга таянади. Унинг кредоси ва асосий мақсади талабаларни минимал вақт, куч ва маблаг ъсарфлаган ҳолда сифатли таълим олишга этказишидир.

3. Таълим мазмунини аниқлаштиришга интилиш ёндашуви ўзгарди, ўқув режалари ва дастурларини шакллантириш тамойиллари ва ўқув курслари лойиҳаларини ўзгартиришга янгича ёндашув пайдо бўлди. Бугунги кунда табақалаштирилган ўқув режалари, дастурлари, курслари бутун дунё таълим тизимиға татбиқ қилинмоқда. Шу билан бирга, ўқув дастурларини оптималлаштириш жараёнлари чуқурлашиб, уларни талабаларнинг энг хилмачил эҳтиёжлари ва қизиқишларига мослаштирилмоқда.

**Педагогик жараён иштирокчиларининг профессионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар.** Ўқитувчилар таркибининг касбий тайёргарлиги–педагогик жараённинг таркибий элементларининг нисбий автономиясига эга бўлган динамик тизим. Ушбу тизимнинг таркибий қисми сифатида дидактик машғулот келажакдаги мутахассиснинг дидактик маданиятини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён бўлиб, унинг самарали таълим иштирокчилари ўртасидаги дидактик ўзаро таъсирга тайёрлигини таъминлайди. Бу жараёнда дидактик талабнинг моҳиятини аниқлаш ушбу жараённинг бошқа унсурлари билан алоқасини кўриб чиқиши ва шу билан унинг ўзига хослиги ва функтсияларини аниқлашни, тузилишини ёритиб беришни, ривожланишнинг таркибий қисмлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ўртасидаги мунтазам алоқаларни таҳлил қилишни тақоза этади.



Педагогик жараёнда касбий фаолиятнинг яхлитлигини таъминлайдиган дидактик тайёргарликнинг асосий таркибий қисмлари: *мақсадга мувофиқлик, мазмунли, технологик ва самарали натижавийлик ҳисобланади*. Ҳар бир компонентнинг мазмуни ва уларнинг ўзаро таъсири дидактик тайёргарликнинг умумий тамойиллари ҳамда фойдаланилаётган педагогик технологиялар асосида ётадиган ўзига хос принтспиларнинг ҳаракати билан белгиланади.

Касбий дидактик тайёргарликнинг мақсадли компоненти умумий мақсад ва вазифалар тизимининг бирлиги билан ифодаланади, унинг комплекс эчими унга эришишни таъминлайди. ОТМ таълимининг асосий мақсади ўзлаштирилаётган аниқ касбий фаолиятнинг ажralmas таркибини шакллантиришдан иборат.

М.Н. Скаткин, И. Я. Лернер, В.В. Краевскийларнинг ижтимоий тажриба тузилишини ва таълим мазмунини аниқлаш мақсадида ўтказган таҳлиллари шуни кўрсатдики, шахс фаолиятининг мақсадга мувофиқ алоҳида ҳаракати-мақсадлар, воситалар, усуллар ва натижалар тўғрисидаги билимларни кенгайтиришни назарда тутади; зарур фаолият турини амалга ошириш қобилияти; уни ўзгартириш ва янги шароитларга мослаштиришга тайёрлик-буларнинг барчаси педагогнинг касбий тайёргарлигини билдиради. Педагог кадрларни дидактик тайёрлашнинг асосий вазифалари:

1) бўлажак мутахассислар ўртасида дидактик билимлар тизимини шакллантириш; 2) талабалар томонидан дидактик кўникма ва малакаларнинг зарурий комплексини ўзлаштириш; 3) уларни ижодий педагогик фаолият тажрибасини ўзлаштириш; 4) ўқувчилар ўртасида дидактик назария, педагогик фаолият ва унга дидактик тайёргарлик жараёнига қиймат-эмотсионал муносабат тизимини шакллантириш. Ушбу вазифаларнинг комплекс эчими бўлажак ўқитувчининг дидактик маданиятини шакллантиришни таъминлайди ва дидактик тайёргарлик вазифаларини амалга оширилишини белгилайди.

Касбий педагогик фаолият нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган дидактик тайёргарликнинг мазмuni дидактиканинг илмий замерида ривожланади, семиотик, психологик ва дидактик талабларни ҳисобга олган ҳолда мослаштирилган ва ОТМ мутахассиснинг касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Дидактик машғулотларнинг мазмунини танлаш "Дидактика" ўқув предметини таълим, квази-профессионал (касбга ўхшаш) ва ўқув-касбий фаолият субъекти сифатида ривожлантириш мантиғида тузилган. Шу билан бирга, келажақдаги касбий фаолиятга кўйиладиган талаблар тизимли бўлиши зарур.

Дидактик тизимларда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш ва ташкил этиш: аудитория ва аудиториядан ташқари ташкил этиладиган тадбирлар, мустақил таълим, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш талабалар учун ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари натижавийлиги ҳисобланган педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Педагогик жараёнларни ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этишда талабаларга ўргатиладиган тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра ўзаро боғлиқлигини таъминлаш ҳамда мазкур тушунчалар маълум бир изчилликда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилиши зарурлигини инобатга олиш зарур. Яъни дарс жараёнида ўрганилган тушунчаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, унда ўқувчи-талабалар мустақил ўрганилиши учун берилаётган топшириқлар ҳамда ташкил этиладиган тадбирлар йўналиши ва ўрганиладиган мавзуулар мазкур тушунчаларни ривожлантиришга хизмат қилиши, ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилган тушунчаларнинг ривожлантириш ва

такомиллаштириб боришга педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов жараёнлари самарадорлиги ўз таъсирини кўрсатиши инобатга олиниши зарур.

Талабалар (бакалаврлар) учун ташкил этиладиган педагогик амалиёт рақобатбардош кадрлар тайёрлаш йўналишида ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади. Олий ўқув юртларида талабаларнинг олган назарий билимлари педагогик амалиёт жараёнида мустаҳкамланади, уларда педагогик фаолият бўйича малака ва кўникмалар шаклланиб, ривожланиб боради. Педагогик амалиёт педагогик фаолиятнинг муҳим ва қимматли томонларини очишига ёрдам беради. Амалиёт давомида бўлажак педагоглар умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб келтирилади) ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг турли томонларини кузатади, таҳлил қиласи, дарс ўтишни ўрганади, ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб боради, дарсдан ташқари машғулотларни ўtkазади. Педагогик амалиёт талабаларни келажакда таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга амалий жиҳатдан тайёрлаш мақсадида ташкил этилади ва мазкур жараёнда талабаларнинг тайёргарлик даражаси аниқланади. Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишларидағи билим, кўникма ва малакалари қай даражада шаклланганлиги маълум бўлади. Педагогик амалиёт талабалар учун қайси фанларни яхши ўзлаштирганлиги ва қайсиларига эътибор бермаганини англаш, педагогик жараёнларни режалаштириш, лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш ҳамда дарс конспектларини тузиш ва дарсдан ташқари тадбирларни режалаштириш ва ташкил этиш йўналишларидағи тушунчаларини, кўргазмали қуроллар, илмий-методик тавсиялар тайёрлаш, умуман олганда ўзларининг педагогик қобилияtlари даражасини мустақил аниқлаши учун имкониятлар яратади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, кўпинча талабалар педагогик амалиёт даврида назарий тушунчаларини амалиётга татбиқ этиш ва амалий кўникмаларидан фойдаланишда маълум камчиликларга йўл қўядилар, дарс ўтиш ва дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказишида турли хил қийинчилк ва муаммоларга дуч келадилар. Педагогик амалиёт талабаларга педагогик амалиёт раҳбарларида керакли маслаҳатлар олиш асосида ўзлари йўл қўйган камчиликлар ҳамда муаммоларни келиб чиқиш сабабларини ва уларни бартараф қилиш йўл-йўриқларини ўрганиб олишлари учун зарурый-таълимий муҳит сифатида хизмат қиласи. Натижада талабаларнинг фақат назарий билимлари мустахкамланиб қолмай, балки педагоглар учун зарур бўлган амалий малака ва кўникмалари ҳам шаклланиб ривожланиб боради.

Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг педагогик фаолиятга психологик мослашувини тезлаштиришида ва уларнинг назарий тушунчаларини мустаҳкамлаш, билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришида педагогик амалиёт ташкил этилган таълим муассасалари

жамоаси фаолияти, у ердаги муҳит ва мавжуд тарбиявий муносабатлар жараёни муҳим аҳамият касб этади. Чунки педагогик амалиётнинг биринчи кунларида талабалар таълим муассасаси тарихи, унинг йўналиши ва мавжуд шарт-шароитлар; таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог ходимлар фаолияти ҳамда уларнинг иш режалари; таълим муассасаси жамоаси маданияти; ўқувчилар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизими; ўқув хоналари, лаборатория ва ўқув устахоналари; касбга йўллаш (касб танлаш) марказининг фаолияти; жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари фаолияти ҳамда ўқитувчилар, синф раҳбарлари ва тўгарак раҳбарларининг меҳнат фаолияти билан танишадилар. Бу ўз навбатида таълим муассасасидаги шарт-шароитлар ва мавжуд таълимий муҳит талабаларнинг педагогик амалиёт жараёнидаги фаоллигига ҳамда келгуси педагогик фаолияти йўналишидаги тасаввури ва тушунчаларига ўз таъсирини кўрсатишини ифодалайди. Демак, педагогик амалиётларни ташкил этиш учун илғор педагогик тажрибаларга эга бўлган педагог ходимлар фаолият кўрсатувчи, замонавий талабларга жавоб берадиган, рақобатбардош битиравчилар тайёрлаш йўналишидаги тажрибалари оммалаштирилган замонавий талим муассасаларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Мустақил таълим – бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий хатти-харакатлари жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳисстуйғулари, мустақил ва эркин фикрлаш қобилияти асосий рол ўйнайди. Бир ҳадисда “Сўзда сеҳр, шеърда хикмат бор” дейилганидек, бу ҳақда шеъриятда шундай хикматли мисралар бор: Кимки ололмаса ҳаётдан таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим. Демак, педагогик жараёнлар самарадорлиги нафақат таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишга, балки мустақил таълимни йўлга қўйиш, ўқувчи-талабаларда ўзини-ўзи тарбиялаш кўнилмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг рефлексив фаолиятини ҳамда ўзаро таъсир жараёнини ташкил этиш зарур. Таълим муассасаларида дидактик жараёнларни ташкил этишда шахслараро муносабатлар, талаба шахсининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатлар жараёнининг мавжудлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олиниши зарур. Педагогик жараёнларни ташкил этишда мазкур жараён иштирокчилари, яъни профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб атамиз. Тарбиявий муносабатлар инсонларнинг ўзаро тажриба алмасиниши, тажрибаларни ўзлаштириши, қўллаши, улар ўртасидаги доимий муносабат, яъни алоқалар тизими бўлиб, инсон-инсон, инсон-техника-инсон, инсон-китоб-инсон, инсон-табиат-инсон, инсонсанъат-инсон каби тарбиявий муносабатлар шаклида вужудга келади ва мазкур жараёнда инсон иккинчи бир инсонга бевосита ва билвосита ўзининг хатти-харакатлари билан ёки воситалар ёрдамида таъсир ўтказиши мумкин, бу жараён ихтиёрий таълим

муассасаларидаги раҳбарлар билан ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва ўқувчиталабалар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади.

**Касбий дидактик тайёргарликнинг ривожланишини таъминлайдиган педагогик функциялар тизими.** Дидактик тайёргарликнинг ривожланиши функцияси шундаки, дидактик билим ва кўникмаларни эгаллаш мутахассисга таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашишни амалга оширишга имкон берадиган касбий фикрлаш, нутқ, педагогик қобилиятларни ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Дидактик тайёргарликнинг мувофиқлаштирувчи функцияси унинг педагогика курслари ва хусусий методларини, шунингдек маҳсус курслар ва маҳсус семинарларни ўқиётган талабаларнинг келгуси жараёнига йўналтирувчи таъсири билан боғлиқ. Ушбу функциянинг алоҳида роли педагогик ОТМларнинг турли факултетларида ўқув жараёнини қиёсий таҳлил қилинча кузатилади.

Дидактик тайёргарликнинг мувофиқлаштирувчи ролини амалга ошириш билан унинг бирлаштирувчи функцияси ўзаро боғлиқдир. Иккала функция ҳам бўлажак мутахассис томонидан дидактик муаммоларни ҳал қилинча фанлараро интеграция зарурати билан боғлиқ. Дидактик тайёргарликнинг бирлаштирувчи функцияси шундаки, дидактик назарияни ўзлаштириш жараёни талабаларнинг фалсафа, сотсиология, психология, таълим назарияси ва бошқаларни ўрганиш жараёнида олган билимларини ҳаётга татбиқ этади, тизимлаштиради ва янги мазмун билан тўлдиради.

ОТМда ўқитувчисининг дидактик тайёргарлиги дидактик функцияларни педагогик жараёнда тўла-тўқис амалга оширилишини тақоза этади ва таҳсил олувчилар томонидан маълум бир таркибни ўзлаштириш жараёнида амалга оширилади. Дидактик тайёргарликнинг мазмунини илмий асосланган ҳолда танлаб олиш, уни оптималлаштириш бўйича изланишлар олиб бориш, педагогик жараённинг самарадорлигини оширишда асосий шартлардан биридир. Маълумки, таълим мазмуни учта даражада шаклланади: умумий назарий тушунча, ўқув предмети ва ўқув материали.

Шундай қилиб, ОТМларда дидактик тизимлар асосида дидактик тайёргарликнинг мазмунли педагогик таълим мазмунининг нисбатан мустақил йўналиши бўлиб, унинг ўзлаштирилиши инсонга педагогик фаолиятнинг дидактик жиҳатларини ўзлаштиришга шароит яратади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 70 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори// -Т.; Халқ сўзи газ. 2017. 79(6773)-сон. -48 б.
  3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори// -Т.; Ўзб.Рес.Қонун хужжатлари тўплами. 2017. 30-сон. 729-модда.
  4. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. М.: Просвещение, 2016. 141 с.
  5. Борисова Н.В. Педагогические особенности создания и внедрения системы активных методов обучения в институте повышения квалификации: Дис. ...канд. пед. наук. М, 2019. 334с.
  6. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. М.: Высшая школа, 2012. 207 с.
  7. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. М.: Просвещение, 2014. 165 с.
- Скаткин М.Н., Краевский В.В. Содержание общего среднего образования: Проблемы и перспективы. М.: Педагогика, 2017. 208 с.

### **5-МАВЗУ: ПЕДАГОГИКАНИНГ ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ИНТЕГРАЦИЯСИ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ПРЕДМЕТЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.**

#### **РЕЖА:**

1. Ўқув технологияларини такомиллаштириш (модернизация қилиш).
2. Педагогик воситаларни такомиллаштириш.
3. Дидактикада фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси масалалари.
4. STEAM-таълими.

**Таянч тушунчалар:** ўқув технологиялари, воситалар, модернизация, фан, таълим ва ишлаб чиқариш, интеграция

**Ўқув технологияларини такомиллаштириш (модернизация қилиш).** Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади юртимизда соғлом, баркамол, билимли ва юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган ёш авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан шу мақсадга эришиш йўлида мамлакатимизда дастлабки йилларданоқ таълим соҳасига катта эътибор қаратилди. Бугунги кунда дунёда илм-фан техника тараққиёти жуда тез суръатларда ривожланиб бунинг натижасида барча соҳалар такомиллашиб бормоқда. Республикамиздаги амалдаги таълим тизимининг хуқуқий асоси ҳисобланган 2020 йилнинг 23 сентябрида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун таълим тизимимизнинг ўзига хос хусусиятини ифодалади. Таълим соҳасидаги фаолиятлар бугунги кунда хукуматимиз

диққат эътиборидаги асосий соҳа сифатида йилдан йилга такомиллаштирилиб бориши ёш авлоднинг етук ривожланиб боришида пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатимизда ва хорижда **ўқув технологияларини такомиллаштиришнинг** илмий асослари вужудга келишига кўра ўзининг чукур тарихий илдизларига эга бўлиб – бу тизимли ёндашувнинг ривожланиш жараёнидир. Олий таълим дидактикасида педагогик жараёнлар илмий ёндашувнинг барча асослари умумназарий, умумбошқарув, умумтехнологик, умутзизимлилик ёндашувлар бўйича олиб борилган изланишларнинг натижаларига асосланади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи, олим, раҳбар ёки педагог ҳар бир ҳодиса ва воқеани, ҳар бир обьектни ҳамда ўз фаолиятини тизим сифатида ҳисоблаб, тизимли ёндашув тамойилларини қўллаши зарур. Таълим муассасасида педагог ҳодимлар ва раҳбарларнинг асосий вазифаси педагогик жараёнларни ташкил этишда ижобий натижаларга эришиш учун жамоада зарурий шарт-шароитларни яратиш, рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш учун педагогик жараёнларни яхлит тизим сифатида ривожлантириш ҳисобланади. Педагогик жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизим деб ҳисобласак, уларни ташкил этиш ва бошқариш ҳам тизимли хусусиятга эга бўлиши керак. Педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга тизимли ёндашувнинг мазмун ва моҳиятини қўйидаги тамойиллар асосида кўрсатишимиз мумкин: педагогик жараён иштирокчилари ҳисобланган профессор-ўқитувчилар ва ўқувчи-талабалар мазкур жараён субъектлари сифатида фаолият кўрсатиши, яъни педагогик жараёнларда субъект-субъект муносабатларининг қарор топиши; педагогик жараён субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги; мажмуавийлилик – педагогик жараёнлар ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентлар мажмуи эканлиги; интегративлик-ҳаракатланиш ва ривожланишга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлиги; ўзаро боғлиқлик – педагогик жараёнлар алоҳида бир тизим сифатида ва юқори тартибли яхлит педагогик тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги; коммуникативлик – педагогик тизимнинг ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

ЮНЕСКО хужжатларида ўқитиши технологияси - техник, инсон ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва ўзлаштиришнинг бутун ўқув жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули сифатида қаралади. Таълим жараёнининг технологик самарадорлиги - бу таълим жараёнини тўлиқ бошқариладиган қилишдир.

Таълим технологиялари муаммолари, педагогик янгиликларнинг катта тажрибаси, муаллифлик мактаблари ва янги -ояларни доимий равища модернизациялашни, умумлаштириш ва тизимлаштиришни талаб қиласади.

Педагогик тизимларни бир қатор белгилар ёрдамида ажралмас ҳодисалар деб таърифлаш мумкин (В.Г. Афанасев):

- интеграл сифатлар (бир нечта элементлари орасидаги боғлиқлик);
- таркибий элементлар, таркибий қисмлар;
- тузилиш (қисмлар ва элементлар ўртасидаги алоқалар ва муносабатлар);
- функционал хусусиятлар;
- коммуникатив хусусиятлар (атроф-мухит билан боғлиқлик);
- тарихийлик, давомийлик.
- Мақсадли йўналишлар ва натижалар тизимнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади.

Тизимни шаклантирувчи асос сифатида, педагогика учун бугунги кунда янги контсептсиялардан бири - "технология" ва педагогик жараёнларни таҳлил қилиш ва лойиҳалашда янги - "технологик" ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Академик В.П.Беспалко талабанинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш турига қараб педагогик тизимлар (технологиялар) таснифини таклиф қилди.

Олий таълим дидактикасида “технология”, “педагогик технология”, “таълим технологияси” атамаларига турли таърифлар берилганлигини кўриш мумкин.

**Технология** - бу ҳар қандай фаолиятда қўлланиладиган методлар, усуллар мажмуи.

**Педагогик технология** - шакллар, методлар, ўқитиш усуллари, таълим воситаларининг маҳсус мажмуавий тузилмаси бўлиб, таълим жараёнини жойлашишни белгилайдиган психологик ва педагогик муносабатларнинг мажмуи. Бу педагогик жараённинг ташкилий ва услубий йўналтирувчи мажмуасидир (Б.Т.Лихачев).

Педагогик технология - бу таълим жараёнини амалга оширишнинг мазмунли техникаси (В.П. Беспалко).

Педагогик технология - режалаштирилган таълим натижаларига эришиш жараённинг тавсифи (И.П. Волков).

Педагогик технология - бу ўқувчи ва таҳсил олувчининг мақсадга йўналтирилган, ўқув натижасига эришишни таъминлайдиган ҳаракатлар алгоритми (кетма-кетлиги).

“Педагогик технология” тушунчаларига турли хил таърифлар билан бирга, кўпчилик мутахассислар томонидан тан олинган унинг асосий тўртта муҳим қиррасини бирлаштирадиган мазмуни қўйидагилардан иборат:

1.Аниқ белгиланган керакли мезон асосида ўқитиш ва таълимни режалаштириш;

2.Ўқитувчи ва талабанинг ҳаракатларининг қатъий кетма-кетлиги шаклида ўқув жараёнини дастурлаш;

3. Таълим ва тарбия натижаларини дастлаб режалаштирилган мезон билан таққослаш, ўқув жараёни мониторинги ва якунида таҳлил қилиш;

4. таълим жараёнининг исталган босқичида натижаларни тузатиш.

Бугунги кунда олий таълим дидактикасида қуидаги педагогик тизимлар мавжуд:

1. классик маъруза машғулотлари;
2. аудиовизуал техник воситалар ёрдамида ўқитиши;
3. "маслаҳатчи" тизими;
4. ўқув китоби ёрдамида ўрганиш,
5. компьютерни ўқитиши;
6. "репетитор" тизими - индивидуал машғулотлар;
7. "дастурий таъминотни ўқитиши", бунинг учун олдиндан тузилган дастур мавжуд

8. Мақсадлар билан машқ қилиш ва б.

Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида уларни қисқа муддатда ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсулни бўлган технология сощаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч сарфлаган ўзлда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Моддий ишлаб чиқариш, хом-ашёни қайта ишлаш соҳалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, майший хизмат кўрсатиш ва бошқалар)да маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув анъанаси юзага келди. Технологик ёндашув ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қиласди. Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнгти босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян сощаларда ислоҳотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларни қўллаш шартларидан бири – малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равища ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади. Инсоният цивилизациясининг қуий босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган

фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий щамда мураккаб талаблар кўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятлар ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта оловчали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда. Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезлиқда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хуносалаш ҳамда таҳсил оловчиларга етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қиласди. Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Фарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Мазкур ғоя XX асрнинг 30-йилларида таълим жараёнига «педагогик техника» («таълим техникаси») тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврда яратилган маҳсус адабиётлар «педагогик (таълим) техника(си)» тушунчаси «ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йифиндиси» тарзида талқин этилди ҳамда ўқув жараёнига ўқув лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея баҳоланди.

XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнидаги техник воситаларни қўллаш «таълим технологияси» йўналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий эътибор таҳсил оловчилар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларнинг имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг ахборот сифимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг обьекти, таянч нуқтаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўқув жараёнини «технологиялаштириш»нинг ташкилий жиҳатларини ўрганишга алоҳида ургу берилди.

XX асрнинг 60-йилларида таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш «технология» тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим таҳсил оловчиларга муайян билимларни алоҳида қисм ҳолида эмас, балки изчилил

яхлит тарзда берилишини назарда тутади. Таълим жараёнини яхлит, мақбул дастурга мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора АҚШда фаолият юрита бошлаган «Дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган Кўмита» томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим мақсадлари, уларни ўзгартириш ва бащолашнинг мос равишдаги мезонлари щамда таълим муҳитининг аниқ тавсифини қамраб олади. Бизга яхши маълумки, ҳар бир назария ўзининг методологик асосларига эга бўлади. Таълим технологияси назариясининг илк ғоялари илгари сурилган даврларда ёқ мазкур назариянинг асослари ҳам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг мақсади, мазмуни, вазифалари, тамойиллари, объектив (ташқи) ҳамда субъектив (ички) омиллари, обьекти, асосий тушунчалари мезонлари ва бошқалар ташкил этади. Таълим технологияси назариясининг умумий асослари моҳияти хусусида сўз юритиши учун «таълим технологияси» тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади.

«Технология» юонча сўз бўлиб, «techne»-маҳорат, санъат ҳамда «logos»-тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган. Таълим технологияси тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча «ан эдуационал течнологий») таълим (ўқитиши) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади. Сўнгги йил давомида нутқимизда «педагогик технология», «замонавий педагогик технология», «ўқитиши технологияси» каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. Аксарият педагоглар «таълим технологияси» ҳамда «педагогик технология» тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидламоқдалар. Бизнинг назаримизда бундай ёндашув у қадар тўғри эмас ҳамда бу борада ягона тўхтамга келиш муҳимдир.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси – таҳсил оловчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

ЮНЕСКОнинг 2018 йилда қабул қилинган қарорига кўра, ҳар бир мустақил мамлакат таълим учун стандарт қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ўз ихтиёрида эканлиги белгилаб берилган<sup>2</sup>. Ўзбекистон эса таълим соҳасидаги давлат таълим стандартларини қабул қилишни лозим кўриб ижобий натижаларга эришди. Таълимнинг барча босқичларида ўкув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва замонавий халқаро талабларга мос ҳолга келтирилди. Халқаро эксперtlар томонидан Ўзбекистоннинг таълим структурасига юқори баҳо берилиб, унинг истиқболлари юқорилиги амалиётда ўз исботларини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда янгича ёндашувлар асосида ислоҳотлар ўтказиши Ўзбекистон таълим соҳаси ривожланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланишига мос ҳолда таълим тизими

<sup>2</sup> Халқаро мониторинг тизимлари куринишилари (Варианты глобальных систем мониторинга) : [www.csu.edu.au](http://www.csu.edu.au), [www.student.wau.nl/](http://www.student.wau.nl/) Retrieved 15.07.2018 from ://www.jstor.org

ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан замон талабига мос доимий янгилаб боришни талаб этиб, ҳар бир тизим ходими зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юкламоқда. Давлатимизда ташкил этилган дунёнинг энг салоҳиятли олий ўқув даргохларидан Англияning Вестминистр университети, Италияning Турин политехника институти, Сингапур менежментни ривожлантириш олийгоҳи, Жанубий Кореяning ИНХА коммуникацион технологиялар университети, Россияning Губъкин номидаги нефт ва газ университети, Ломоносов университети ва Г.В.Плеханов номли иқтисодиёт университети филиалларининг ташкил этилгани ҳам таълим тизимимизни жаҳон талабларига мос ривожланиши омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаларидаги энг илғор таълим соҳасидаги ривожланиш ютуқларини ўрганиш, ўз миллий хусусиятларимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш, бугунги кун замон талабидир. Ҳозирда Шарқий Осиё ривожланиш даражалари юқори кўрсаткичларни эгаллаган. Мутахассислар эътирофига сабаб бўлган таълим ривожланиши ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган давлатлар тажрибасини кўриб ўтамиш.

### Жанубий Корея муваффақияти ва таълим тизими<sup>3</sup>

Дунёда таълим йўналишида Жанубий Корея таълим соҳаси етакчи ўринни эгаллаб, илмий салоҳият ҳам шиддат билан юксалиб бормоқда. Бу фикрлар исботи сифатида “Илмий юксалишни баҳолаш халқаро ташкилоти” (IAEP) томонидан 2015 йилда 19 мамлакат талабалари орасидан 18 ёшли ўсмирлар учун эгалланган таълим сифатини ифодаловчи мониторинг тадқиқотларида Жанубий Корея ёшлари биринчи ўринни эгалладилар<sup>4</sup>. Бу халқаро ютуқ сифатида мамлакат миллий ифтихори деб ҳисобланди. Бунинг сабаби хукуматнинг таълим сиёсатининг тӯғри олиб борилаётгани дея баҳоланди. Таълим тизими натижалари албатта ўз тарихий ривожланиш даврига эга бўлиб, жараённи мулоҳаза этиб қўрамиз.

Жанубий Корея давлатининг таълим тизими ташкил топган илк дамлар 1948 йилдан 1970 йилларгача мустақил давлат тизимини яратиш жараёни эди. 1970 йилларга келиб кадрлар сиёсати асоси сифатида таълим сиёсатига асосий эътибор бошланди. Жанубий Корея ҳукумати томонидан ялпи миллий маҳсулотнинг 4,5 foizi таълим соҳаси ривожланиши учун ажратилди. 1973 йилдан илмий-техникавий таълимни ривожлантириш мақсадида техника билим юртлари ташкил этилди. 1985 йилга келиб бу билим юртлар олий ўқув юртлари сифатида ривожлантирилиб 4 йиллик муддат белгиланди. Мактабларда таълимга бутун аҳолини жалб этиш мақсадида синфлар 40, 50 нафар ўқувчиларга мўлжалланди. Таълим сифатига ҳам катта эътибор берилиб хориждан малакали ўқитувчилар жалб этилди. Бу сиёсат халқаро таълим тадқиқотларида Жанубий Корея таълимини юқори баҳолади. Бундай ютуқ

<sup>3</sup> Success and Education in South Korea Clark W.Sorensen p 34-39 2004 http:// Retrieved 15.07.2015 from ://www.jstor.org

<sup>4</sup> Friedrich Scheuermann and Francesc Pedró “Assessing the effects of ICT in education “ Indicators, criteria and benchmarks for international comparisons” Retrieved 20.01.2015 from <http://www.csu.edu.au>

сабаби сифатида мутахассислар корейс халқининг Конфуцийлик маданиятига хос бўлган меҳнатсеварлик, билимга бўлган интилиш каби сифатларни юқори даражада эканлиги билан изоҳладилар.

25 йил аввалги Жанубий Корея давлати шунчалик қашшоқ эдики, жон бошига йиллик даромад 200\$ га тўғри келиб, мактаблар ва педагоглар учун ортиқча ресурслар жалб этилмасди. Оилаларда яшаш мақсадида болалар ишлашга мажбур эдилар. 1945 йилда Япон мустамлакасидан сўнг Жанубий Кореяда замонавий мактаб тизимини бошқариш учун тажриба ва кўнималар мавжуд эмас эди. 1950 йиллардаги Корея ярим оролидаги З йиллик қонли корейс урушлари янги шаклланиб келаётган таълим структурасини тўхтаб қолишига сабаб бўлди. 1970 йилларга келиб Жанубий Кореяда таълимни ривожланиши бошқа ривожланган давлатлар тизимидан импорт қўринишида шаклланди. Жанубий Кореяда бу ҳолат асосан АҚШ ва Америка таъсири асосида юз бериб, бу пайтда замонавий илм ва математиканинг илмий луғатлари ҳам корейс тилида мавжуд бўлмаган эди. XX-асрнинг охиrlарида Корея 400 йиллик ташқи алоқалардан узилиб қолган давлат сифатида узоқ муддатли ғарб саноати цивилизацияси муаммоларини ечиш мақсадида оғир даврларни бошдан кечирди. Миссионерлар томонидан замонавий таълим программалари ташкил этилди, лекин мактаб тизими асослари ҳукумат томонидан шакллантирилди. 1905 йилда Кореяда Япония протекторати ўрнатилиши ва 1910 йилдаги колония сифатидаги хукмронликлар замонавий таълим тизими шаклланишига тўсиқ бўлди. Лекин, Япония колониал тизими бошқа колониялардан фарқли аҳолини таълим тизими билан таъминлади. Бу таълим этник япон маданиятини тарғиб этувчи ғоя асосида шакллантирилган. Япон таълим тизими корейсларда таълим олиш ва саводхонлик даражасини оширишга халақит бермади. 1942 йилга келиб 40% аҳоли бошланғич мактабларда ўз саводини чиқарди. 5% дан ортиқ корейслар эса ўрта мактабларда ўз билимларини олишни давом эттирди. Ҳозирги кундаги йирик илм масканларидан бўлган Кейо императорлик университетининг 1924 йилда Сеулда ташкил топганлиги, корейс ярим оролидаги японларни саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган бўлсада, туб аҳоли таълим тараққиётига катта ҳисса қўшган.

Ўша давр тараққиётига мос таълимнинг бошланғич мактаб давомидаги 5 йиллик ҳажмдаги ўрта мактаблар техник касбга йўналтирилган билим юрти қўринишларида мавжуд бўлган. Бунда таълим қизлар ва ўғил болалар мактабларига бўлинниб, қизлар мактаби ўғил болалар мактабидан 1 йил кам ҳолда ташкил этилган. 1945 йилдаги Корея мустақиллиги японларнинг малакали иш кучини олиб кетиши билан юз берди. Саводхонлик даражаси ҳам кескин пастлаб кетди. Бунда катта муаммо ўқитувчилар етишмаслиги ва шароитларни яхши эмаслиги бўлди. Саводли аҳоли бу пайтгача замонавий илм фан янгиликларини колониал тизим орқали ўрганиб, илмий терминларни ҳам япон тилида тушунар эди. Бу ҳолат аҳолини табақалантиришга қаратилган бўлиб, бу ўқитиш тизими аҳолининг асосий қисми бўлган қўйи табақа корейс

миллатида ишончсизликни уйғотди. Шундан сўнг 1949 йилда ҳукумат томонидан бугунги кунда хам асос бўлиб хизмат қилувчи “Таълим тўғрисидаги” асосий қонун қабул қилинди. Қонунга қўра аҳолига бепул ташкил этилган 7 ёшдан бошлаб амал қилувчи 3 йиллик бошланғич таълим тизими, 3 йиллик умумий ўрта таълим тизими ва ундан сўнгги 4 йиллик махсус касбга йўналган таълим йўлга қўйилди. Махсус касбга йўналган таълим ишчилардаги малака даража учун амал қилган. Лекин бу таълим тизими жараёнининг қисқалиги 1950 йилдаги ёппасига саводсизликни келтириб чиқарди. 1951 йилда тизимга ўзгартиришлар киритилди. 1964 йилга келиб бошланғич таълимга жалб қилиш 90%ни ташкил этган бўлиб, умумий ўрта таълим тизими яна 3 йил муддатга оширилди. Жанубий Кореяда таълим тизимини шакланиши бир мунча муаммоларни келтириб чиқарди. Ҳукумат томонидан жуда шиддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида таълим тизимини ислоҳ қилиш амалга оширилди. Бунда аҳолини педагоглар билан таъминлаш қийинчиликларни келтириб чиқарди. Таълим тизимидағи кескин ўзгаришларни амалга оширишда ўқитувчилар ва ота-оналарнинг биргаликдаги муносабатда бўлиши, ҳукумат томонидан турли бепул қувватлашлар аҳолида билим олишга интилишни кучайтирди. Баъзан 100га яқин ўқувчиларга эга бўлган синфларда таълим сифатини яхшилаш мақсадида 2 ва 3 сменада ўқишлиш ташкил этилди. 1953 йилдан ҳукумат ўрта мактаб босқичига имтиҳон орқали қабул қилишни жорий этдики, бу ўрта мактаб тизимини янада сифатли ташкил этиш мақсадларида амалга оширди. Бунда бошланғич таълим 6 йиллик белгиланиб ундан сўнг 3 йиллик таълим техник ўрта таълим берувчи босқичдан иборат бўлган. Бу босқичига имтиҳон асосида қабул қилиниб, алоҳида йўналган синфлар қайта ташкил этилди.

1963 йилдан ҳукумат томонидан амалий таълимни янада фаоллаштириш мақсадида унитар таълим тизимига хос касбий техник малакаларни берувчи билим масканлари ташкил этилди. 1969 йилдан ўрта мактабга олинадиган имтиҳон бекор қилинди, бу билан ўрта таълимни ҳам барча учун мажбурий қилиш мақсадлари кўзланди. Жанубий Кореяда 1960-80 йиллардаги таълимдаги давлат имтиҳонлар ўтказиш давлатдаги стандартларни тартибга келтириш ва давлат томонидан барча босқичларни маблағ билан таъминлашдаги назоратни амалга ошириш учун белгиланди. Мактаблардаги тест имтиҳонлари баъзи ихтисослаштирилган мактабларда қолдирилганлиги педагог ва илмий салоҳиятли ўқувчилар тайёрлашда стимул вазифасини бажарди. Ҳар бир туман мактабларда давомат ўртача мактаблар кесимида ихтиёрий жиҳатдан бўлиб бу ҳар бир мактаб учун teng жиҳатда олинган. Таълимнинг кейинги босқичига кириш имтиҳонлари ва мактабда олган билим натижалари асос қилиб олинди. Хусусий мактаблар фаолияти ҳам мажбурий таълим мактаблари билан рақобатлашув асосида ривожланиб борди. Лекин хусусий мактабларда билим савияси юқори бўлиб 30% хусусий мактаб ўқувчилари, 47% касбий техник малака билим юртларида ва 80% олий ўқув юртларидаги талабалар хусусий мактаблар битирувчилари хисобланган.

Хусусий мактаблар давлат бепул мактабларидан анча қиммат бўлган бўлса ҳам аҳолининг кўпчилик қисмида хусусий мактабларга қизиқиши юқори эди. Лекин барча мактаблар бир хилдаги дарслик ўқув қўлланмаларидан фойдаланилган. Ўқитувчилар хам ягона таълим бошқармаси розилиги билан ишга қабул қилинган. 1970 йилларда хукумат томонидан таълим тизимидағи ислоҳотлар асосан аҳоли 70%ини саводли қилиш мақсадида амалга оширилди. Ўқувчиларни билим қобилиятлари бўйича ўрта мактаб босқичидан ўзлаштириш даражасига қараб ихтисослаштириш кадрлар сиёсати бўйича амалга оширилди.

Жанубий Кореяда мажбурий умумий ўрта таълим 6 йилликдан иборат бўлиб, таълим 7 ёшдан бошланади. Таълимнинг кейинги босқичи бўлган касбга йўналтириш Жанубий Кореяда 13 ёшдан бошланиб, Ўзбекистонда ўрта маҳсус касб-хунар таълими 16 ёшдан бошланади.

Жанубий Кореяда олий таълим тизимида ҳам ўз нуфузига эга бўлган университетлар пайдо бўлиб бу кадрлар тайёрлашнинг муҳим йўналишларини юзага келтирди. Жамиятда энг яхши иш ўринлари Сеул Университети талабаларига насиб қилиши унинг бошқа университетлар нуфузидан баландлигини белгилаб, университетга энг яхши мактаб ўқувчилари талабаликка қабул қилинган. Бу жихат Европадаги таълим тизимига хос табақаланиш усули эди. Бу аҳоли ўртасида Европа маданиятига интилишни келтириб чиқарди ва сўнгги йилларда Жанубий Корея таълимига Европа таълим тизими хусусиятлари импорти амалга оширилди. Лекин ижтимоий тенгсиз синфлар мавжудлиги мактабларда аҳолини қамраб олиш даражасини қониқарли эмаслигини келтириб чиқарди. 1969 йилдан хукумат томонидан ўрта-маҳсус таълим тизимида имтихонлар орқали қабул қилишни кучайтирилганлиги 1980 йилга келиб ўрта-маҳсус таълим тизими талабларининг аниқ аналогик ўлчовларини шакллантирди. Шаҳар ва қишлоқ мактабларидаги таълим даражалари фарқланиши сақланиб қолди. Пойтахт саналган Сеулда таълим сифати бошқа худудларга нисбатан яхшиланганлиги сабабли аҳолини таълим олиш учун пойтахтга интилишига олиб келди. Жанубий Кореяда бизнинг мамлакатимиздан фарқли таълим бошқариш структураси барча тизимлар учун ягона бўлиб, умумий ўрта, ўрта маҳсус, олий таълим тизимлари вазирлигидан иборатдир. 1980 йилдан хукумат иқтисодиётни яхшилаш мақсадида таълимга эътиборни кучайтирди. Бунинг натижасида 1990 йилга келиб саводхонлик даражаси 98,5%ни ташкил этди. 1990 йилда Корея хукуматининг ялпи миллий маҳсулотининг 4,5%и таълимга йўналтирилган бўлиб бу Тайван давлатига нисбатан 3,6 %га, юқори бўлган. Лекин Европадаги бу кўрсаткич анча юқори бўлиб бу кўрсаткич Венгрияда 6,1%; Францияда 7,5%ни ташкил этган. Шундай бўлсада Корея халқининг таълим олишга асосий эътибор қаратадиганлиги мамлакатни барча соҳаларда эришаётган ютуқларида ҳам кўриниб турибди. Бугунги кунда Жанубий Кореяда таълим тизимидағи эришилаётган юқори кўрсаткичлар сабаби мутахассислар томонидан қуйидаги хусусиятларда деб кўрсатилмоқда:

Корея халқида таълимга бўлган иштиёқнинг баландлиги хусусияти. Бу хусусият 1994 йилда ўтказилган ижтимоий сўровномаларда акс этган бўлиб юқори синф ўқувчилари билан ўтказилган сўровномада 78,7% респондентлар ўрта махсус таълимни амалий эҳтиёж деб билганлар. 12,7 % респондентлар эса ихтиёрий ўқиши сифатида ва 5% иштирокчилар ота-онасининг хохиши учун мажбурият деб билганлар. Бу холат эса Корея ёшларида таълимга бўлган иштиёқнинг баландлиги белгисидир.

✓ Жанубий Кореядаги таълим тизимида педагогларнинг аксарияти эркаклардан иборат бўлганлиги хусусияти, тизимни қатъий ривожланиши омили бўлиб хизмат қилган дея баҳоланмоқда. Ҳозирги пайтда ота-оналар талабларига биноан бошланғич синф ўқитувчилари асосан аёллардан ташкил топмоқда. Бу жихат Кореяда мактаб таълими инсонларни шахс сифатида шаклланишини юзага келтирувчи омил бўлганлигини билдиради.

✓ Дарсдан ташқари қўшимча машғулотлар. Ўтказилган сўровномаларга кўра 1980 йилда 61% ўқувчилар қўшимча дарсдан ташқари машғулот олишига тўғри келган. Бунинг салбий оқибати 14% ўқувчилар асаб касалликлари ва асаб зўриқишлирига учраганлар. Таълим вазирлигининг тадқиқотларига кўра репетиторлар томонидан олинган даромад хар йили 327 млрд.вон(400млн \$)маблағни ташкил этган бўлиб, яъни давлат бюджетнинг 30%га яқин эквиваленти ва 6% миллий даромад улушига тўғри келган. 1992 йилларда дарсдан ташқари машғулотларга ўқувчилар ота-оналари ойига ўртacha 280.000вон (364\$) ўз фарзандлари билим олишлари учун сарфлаган. Бу ҳолат эса 1980 йилда қабул қилинган таълим сифати меъёрларига ва таълим тизимида хукумат вакиллари “ишончсизлик вотум”ини эълон қилди. Лекин бунинг ижобий жихати халқаро тадқиқотларда берилган кўрсаткичларга кўра 9 ёшлик Жанубий кореялик ўқувчиларнинг математика ва табиий фанлар бўйича бошқа давлатлар ёшларидан кўра ўртачадан юқори даражаларни эгаллаганликларида кўринади.

✓ Жанубий Корея ёшларининг таълимга кўп вақт сарфлаганлиги хусусияти, кореялик ўқувчиларнинг қўшимча билим ёки амалиёт учун мактабдан ташқари қўшимча бир неча соат вақтларини ажратишида кузатилади. Лекин бу халқаро тадқиқот анкета сўровларида ўз аксини кўрсатмайди, яъни қўшимча дарслар уйга вазифа сифатида қабул қилинади. Ўқувчилар ўз устида кўп ишлаганлари сабабли мактабда ёки таълим тизимида мавжуд муаммолар ўз ечимини топади. Бунга уларни ота-оналари ҳам ёрдам беради. Кореялик аксарият ота-оналар ўз фарзандларини билимли бўлишларида мактаб ёки таълимнинг бошқа кўриниши эмас балки мактабдаги мавжуд бериладиган билимларни ўзлаштиришда деб биладилар. Жанубий Кореяning таълим тизими эришган ютуқлар уларнинг миллий хусусиятларига мос равишда бўлган бўлсада уни Ўзбекистон таълим тизимимизга жорий этса бўладиган жиҳатларини амалиётда синаб кўриш мумкин.

Миллий жихатдан умумий хусусиятларга эга бўлган Осиё давлатлари жумласидан бўлган Япония давлатининг таълим тизими ва эришаётган

ютуқлари ҳам ўрганса бўладиган жихатларга эгадир. Шу мақсадда Япония таълим тизими тарихий тараққиётига назар ташлаб бу тўғрида мулоҳаза қиласиз.

### Япония таълим тизими<sup>5</sup>

Япония таълим тизими 1949 йилда қабул қилинган  $6 + 3 + 3 + 2/4$  шаклидан яъни, 6 йиллик бошлангич таълим 3 йиллик ўрта таълим ва яна 3 йиллик махсус малакани берувчи таълим босқичидан иборат бўлган. 1962 йилдан техник касб-хунар коллежлари учун ягона 5 йиллик шаклга келиб қуи ўрта мактаб учун таълим даври муддати ошиди. Бу тизимда инсон ресурслари учун индустрисий ривожлантиришни олиб келди. 1964 йилда колледж дастурлари 2 ёки 3 йиллик дастурларга алмаштирила бошлади. Технология коллежлари олий профессионал таълим сифатида 1990 йилгача қабул қилинган. Бу немис таълим тизимидағи факультет ва АҚШ таълим тизимидағи олий ўқув юртларигача бўлган кенгайтирилган умумий таълим кўринишига келди. Бу коллежлар тизимида хусусий секторни ортишига олиб келди. 1980 йилга келиб Японияда таълим тизимини халқаро хусусиятлари ривожланди. Хукумат жамиятни ривожлантиришда барча соҳаларни ривожлантириш бўйича ислоҳотлар амалга оширишни белгилади ва махсус кенгаш тузди. Ислоҳотлар бўйича махсус кенгашнинг 1984 йил 21 августдаги йўриқномаси япон таълим тизими муаммолари ва келажак режалари борасидаги узоқ йиллик хавотирларига мантиқий якун бўлди. Бундай фикрга Япония бош вазири Ясухиро Накасонэнинг берган қуидаги фикрлари таянч бўлган, яъни у “ Зарур ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий стратегияларни кўзда тутганда шундай таълимни таъминлаш зарурки у таълим давлатимизнинг ижтимоий ўзгаришлари ва маданий воқеликларига мос бўлиши зарур. Агарда миллатимиз ҳаётий энергия ва ижодга тўла бўлган XXI асрнинг янги жамиятини қурадиган бўлса, у ҳолда бу биз олиб бормоқчи бўлган ислоҳотлар дизайннида муҳим асос бўлиши зарур” дея таъкидлаган эди. Ислоҳотлар бўйича барча таълим муассасаларида имтихон ва тест синовлари инглиз тилида япон тили билан бир хил даражада амалга оширилди.

Бугунги кунда Японияда таълим тизимини бошқарув структураси барча таълим тизимлари муассасалари фаолиятини учун ягона “Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги”(MEXT) орқали бошқарилади. Бу вазирликка умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари бошқарилади. Япония таълим тизими марказлашган кўринишига эга. Таълим муассасалари ва хусусий ташкилотлар учун грантлар, таълим муассасаларини ташкил этиш, қарорлар қабул қилиш, ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, ўқув фаолияти ва уни натижалари мониторинги ва назорати шу вазирлик томонидан амалга оширилади. Бошлангич ва ўрта таълим муассасаларини ташкил этиш хар бир префектура - таълим қўмитаси

<sup>5</sup> Education system Japan | EP-Nuffic | 1st edition September 2010 | version 4, January 2015  
<http://www.jstor.org> //Retrieved 15.07.2015

томонидан белгиланади. Илмий тадқиқот ташкилотлари бевосита таълим тизимларида фаолият олиб борадилар. Бу эса таълимнинг илк босқичларида ёқ илмий тажрибалар билан шуғулланиш ва қашфиётчилик хусусиятларини ўқувчидаги ривожланиб боришига туртки бўлади. Бундан ташқари вазирлик томонидан таълим муассасалари фаолияти натижалари мониторинги юритилаётганда илмий тадқиқот ташкилотлари масъул бўлиб улар ҳам тўғридан-тўғри жавобгардир. Бугунги кунда Японияда мажбурий таълим тизими бошланғич таълим - 6 йиллик, умумий ўрта таълим - 3 йиллик, жаъми 9 йиллик таълимдан иборат. Бошланғич ва умумий ўрта таълим қонунларга асосланган миллий ўқув дастури асосида ташкил этилиб дастур ҳар йилда бир кўриб чиқилади. Ўқув дастурлари 3 соҳада амалга оширилиб улар: тури мавзулар, ахлоқий таълим ва ихтиёрий фаолиятдан иборат. Бошланғич таълим 6 йил давом этиб у бошланғич мактаблар (小学校 shogakko) томонидан ташкил этилади. Мактаб 6 ёшдан 12 ёшгacha(1-6 синф)mўлжалланган. Бунда ўқувчилар 1 апрель ҳолатига 6 ёш бўлиши кўзда тутилади. Ўқув дастурларида япон тили, ижтимоий тадқиқотлар ва фан тадқиқотлари, математика, илм фан, ҳаёт тадқиқотлари(фақат 1, 2 синф учун) мусиқа, санъат ва ҳунармандчилик, уй ишлари билан шуғулланиш, жисмоний тарбия дарсларидан иборат. Бундан ташқари асосий эътибор маънавий ахлоқий тарбияга қаратилган.

Бошланғич таълим қуи ўрта таълим(中学校 chugakko, ta'lim) орқали давом эттирилади. Ўқув дастурлари асосан: япон тили, ижтимоий тадқиқотлар, математика, илм фан, мусиқа, санъат, жисмоний тарбия, саноат ва уй ишлари бўйича фан, хорижий тил, бизнес субъектлари ва маънавий таълим дастурларидан иборат. Бу давр ўта мухим таълим даври сифатида япон педагогларидан юқори эътиборни талаб қилинади ва ўқувчиларни натижаларини аниқлаш орқали ўрта мактаб(高等学校 kotogakko)га йўлланма белгиланади. Ўқувчи ўрта мактаб 9 йиллик мажбурий таълимни якунлаб таълимни кейинги босқичига кириш имтихонлари билан ўтади. Имтихонлар япон тили, математика, ижтимоий тадқиқотлар ва 5 та асосий фанлардан якуний имтихонларини топширади. Ўқувчилар 15, 18 ёшлар ҳолатига лицейлар (高等学校 kotogakko)да ўқишилари мумкин. Лицейлар қуидаги ўқув дастурлари орқали амалга оширилади: япон тили, география ва физика, тарих, фуқоролик хуқуқи, математика, илм фан (кимё, биология ва ер хусусиятлари бўйича фан)соғлиқни сақлаш, санъат, хорижий тил, уй ишлари билан шуғулланиш, ахборот технологиялар ва умумий тадқиқотлар дастурларидир. Ўрта таълим пуллик ташкил қилинган бўлиб, ўқувчи кредит эвазига ўқишини давом эттириши учун давлат томонидан шароитлар яратилган. Ўрта таълимни тамомлаганда ўқувчи битирув гувохнома (卒業 証明書 Sotsugyoshomeisho)олади. Япония ёшлари таълимида асосан тижорат йўналишидаги хизмат кўрсатиш амалга оширилади. Мутахассислар япон таълим тизимини натижаси сифатида мамлакатни юқори малакали кадрлар тайёрланаётганлигига ва фан-техника ютуқларининг шиддат билан амалиётга

тадбиқ этилаётганлиги билан изохлайдилар. Бугунги кунда Япониядаги эришилаётган юқори кўрсаткичлар сабабини мутахассислар қўйидаги хусусиятларда деб кўрсатмоқда:

- ✓ Япон таълим тизимида хусусий сектор ҳажмини ортиши хусусияти, бошқа соҳалардаги каби рақобат муҳитини ривожланганлигини таъминлайди.
- ✓ Халқаро хусусиятларнинг мавжудлиги, барча таълим муассасаларида имтихон ва тест синовлари инглиз тилида япон тили билан бир хил даражада амалга оширилиши ва тараққий этган Европа давлатлари тажрибалари тил орқали янада тезроқ ўзлаштирилаётганлигидир.
- ✓ Илмий-тадқиқот ташкилотлари бевосита таълим тизимларида фаолият олиб бориб, таълим муассасалари фаолияти натижаларига уларнинг масъуллиги ва тўғридан тўғри жавобгарлиги билан илмий янгиликлар амалиётга тезкор тадбиқ этилаётганлиги.
- ✓ Таълим тизими ўқув дастурлари ҳар йилда янгиланиши ва такомиллаштирилиш хусусияти, фан йўналишларидағи замонавий янгиликлар ўзгаришишлар ўқув дастурларида акс эттирилиши таълим мазмуни йилдан йилга мазмун моҳияти жиҳатидан такомиллашиб бораётганлигини кўрсатади.
- ✓ Таълим тизими босқичлари жараёнларидағи имтихон назоратлари талабларини юқорилиги ва кескин чоралар қўйилиши хусусияти, ўқувчиларда маъсулиятни оширишига сабаб бўлади.

Шарқ давлатларида тарихан узоқ ўтмишлардан илм фан юқори даражада ривожланганлиги бугунги кунда ҳам Осиёнинг кўп давлатлари эришаётган барча соҳалардаги тараққиёт ва ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистонда таълимга ажратилаётган давлат бюджети харажатлари фоиз хисобида қўйидаги ўзгариш динамикасига эга бўлиб бу хукуматнинг асосий эътиборидаги соҳа эканлигидан далолат беради. Кўйида Ўзбекистондаги давлат бюджети жаъми харажатларидан таълимга ажратилаётган улуш динамикаси<sup>6</sup>ни (фоиз хисобида) кузатганимизда ҳам ўсиш тенденцияси соҳага бераётган катта эътибор белгиси сифатида кўришимиз мумкин.

Кўрсаткичлар (йилларда)	1990	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014
Жаъми харажат (%да)	100	100	100	100	100	100	100	100
Таълим (%да)	17,9	23,2	29,6	33,8	34,6	34,1	34,2	34,3

Келажакда муҳтарам юртбошимиз таъкидлаган миллий урф одатларга содиклик ва юксак маънавий меъросларга эга бўлган таълим тизимимиз истиқболлари, ривожланган шарқ давлатлари таълимида эришилаётган ютуқлардан бизга мос жиҳатлардан фойдаланиш янгиланиш омили бўлиб хизмат қиласи. Юртбошимизнинг 2015 йилда чоп этилган “Она юртимиз баҳту иқболу ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатdir”

<sup>6</sup> И.А.Каримовнинг йил яқунлари хисобот маъruzalariidan olinди

асарида Япония ва Жанубий Корея таълими тизими тараққиёти, ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратишинг турткни бўлиб хизмат қилди. Фикримизча бу икки давлатнинг таълим соҳаси ягона бошқарув тизимида бўлғанлиги таълим сифатини ягона назоратини вужудга келтирган, сифат самарадорлиги ҳар бир ўқувчининг таълим жараёнида бир босқичдан кейинги босқичга ўтишида ягона мониторинг асосида шакллантирилиб аниқ акс эттирилган. Ягона таълим тизими бошқаруви орқали касбга йўналтириш жараёни ҳам ҳар бир ўқувчи билим қобилиятига асосан ихтисослаштириш талаблари асосида маълум йўналиш бўйича таълимнинг кейинги тизимларига ўtkазилади. Ўзбекистонда бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда албатта ривожланган давлатлар томонидан тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

**Фанлараро алоқадорлик** - ОТМ фанлари таркибида амал қиласиган объектив ўзаро алоқаларни акс эттиришни таъминлайдиган дидактик шартлардан биридир.

Фанларнинг ўзаро алоқаси, асосан, тегишли фанларнинг асосларини ифодаловчи академик мавзуларда этарли даражада акс эттирилган фанлараро алоқалар олий таълим дидактикасидаги муаммолардан бирини очиб беради. Замонавий фанларнинг барча соҳалари бир-бири билан чамбарчас боғлик, шунинг учун ўқув фанлари бир-биридан ажralган ҳолда қаралмаслиги табиий. Фанлараро алоқадорлик дидактик шарт ва ўқув жараёнида фанларнинг асосларини чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштириш воситаси бўлиб, билимларни чуқурроқ ўзлаштиришга, илмий тушунчаларни шакллантиришга ёрдам беради. Фанлараро алоқадорликни амалга ошириш ОТМларда ўқув материалини ўрганишда такрорланишга барҳам беради, вақтни тежайди ва талabalарнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш учун қулай шароит яратади. Таълим соҳасидаги олимларнинг катта миқдордаги асарлари фанлараро алоқаларни ўрганиш муаммоларига бағишланган: Зверева И.Д., Максимова В.Н., Алиқулов С., Мусурмонов О., Мамараджапов Ш., Абдуллаева Б., Баратова М. ва бошқаларнинг ишларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

**STEAM-таълими.** Сўнгги йилларда ўқитувчилар тобора кўпроқ фанлараро ва бешта илмий соҳани ҳаётдан олинган аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун ягона ўқув тизимида бирлаштиришга асосланган STEAM таълими амалиётига мурожаат қилишмоқда.

STEAM дунё таълимидаги замонавий тенденциялардан бири ёки таълим шакли сифатида кенг татбиқ қилинар экан, унинг бугунги кунда таълим олиш эҳтиёжи сифатида пайдо бўлғанлигини эътироф этиш керак.

STEAM қисқартмаси ((siene - фан, технология - технология, энгинееринг - мухандислик, артс анд матҳ - санъат ва математика) ушбу фанларга оид билимларни ўзлаштиришни ва уларни амалда қўллаш қобилиятини назарда тутади. СТЕМ ёндашуви туфайли таҳсил олувчиларр бир вақтнинг ўзида бир нечта соҳаларда ривожланишини назарда тутади, яъни: информатика, физика,

техника, муҳандислик ва математика ва б.. Масалан, ЛЕГО Эдуатион таълим эчимлари - дунёга машхур ЛЕГО компаниялар гуруҳининг бир қисми - бу аниқ СТЕМ- тадқиқот, муҳандислик, математик ва дизайн компетенциялари ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

ЛЕГО Фоундатион жамғармасининг маълумотларига кўра, 2023 йилгача бўлажак мутахассисликларнинг 80% дан СТЕМ компетенцияларини ривожлантириш талаб қилинади. Ва бу содир бўлиши муқаррар бўлган ҳолат, чунки ҳозирги бошланғич таълимда таҳсил олаётган бошланғич синф ўқувчиларининг 65% ҳозирги пайтда мавжуд бўлмаган мутахассисликларда ишлашлари керак бўлади. ЛЕГО Фоундатион жамғармасининг таҳлилларига кўра, улар мутлақо янги илмий соҳаларда ишлаши ва фақат 10-15 йил ичida пайдо бўладиган касбларни эгаллаши керак бўлади. Шу сабабли, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган педагогик кадрлар мактабларда ташкил қилинадиган ва татбиқ этиладиган янги технологияларни ривожлантириш тенденцияларидан четлаша олмайдилар.

Бугунги кунда ўқитиши амалиётида STEAM ёндашуви ишончли тарзда халқаро таълим дастурларига киритилди ва сўнгги йилларда у хориж таълим муассасаларида тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

STEAM таълими-ўқитишининг негизида тизим фаоллиги ёндошуви, талабаларнинг мустақил тадқиқот ишларини олиб бориш, ДТСда қўрсатилган талабаларни бажариш бўйича билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантиришга ўналтирилган.

Бугунги кунда республикамизнинг умумий ўрта таълим мактабларида ҳам STEAM таълими ташкил қилинмоқда. Айниқса, Президент мактаблари, турли ижодий мактабларда ушбу технологиядан самарали фойдаланилмоқда. Ушбу технологияни қўллаш орқали таҳсил оловчиларда турли соҳалардаги: математика ва бошқа аниқ фанлар, муҳандислик, дизайн, рақамли қурилмалар ва технологияларга оид билимлардан фойдаланишга замин яратилади.

STEAM бу таҳсил оловчиларга ҳар қандай мураккабликдаги вазифаларни уддалашга имкон берадиган универсал амалиётга йўналтирилган ёндашув. Шу билан бирга, таҳсил оловчилар ўзларининг билимларини амалий равишда амалга оширадилар.

Интернет, шахсий рақамли қурилмалар ва тезкор маълумотларни узатиш технологияларининг жадал ривожланиши дунё таълим соҳасида кескин ўзгаришларга олиб келди. Шу сабабли жаҳон таълим тизимида ёшларнинг креатив фикрлашини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар замирида инновацион таълим технологиялари асосида таълимни ташкил қилиш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Олий таълимда инновацион технологиялар қаторидан ўрин олган стриминг технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

### Саволлар:

1. «Таълим технологиялари» қачондан бошлаб жорий этилди?

2. «Технология», «технологик жараён», «таълим технологияси» тушунчаларини таърифлаб беринг.
3. Таълимни технологиялаштиришнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. STEAM таълимини изоҳлаб беринг.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Арбузов С. С. Реализация информационно-технологической модели подготовки будущих ИТспециалистов в области инфокоммуникационных систем и сетей // Педагогическое образование в России. – 2014. – № 8. – С. 85–89.
2. Арбузов С. С. Технологии подкастинга как средство активизации учебной деятельности студентов при обучении компьютерным сетям // Педагогическое образование в России. – 2015. – № 7. – С. 30–35.
3. Грушевская В. Ю., Грибан О. Н. Системы управления контентом и обучением как инструменты создания информационной среды образовательного учреждения // Педагогическое образование в России. – 2012. – № 5 – С. 49–55.
4. Зарицкий Д. Как я повысил продуктивность с помощью стриминга [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://habrahabr.ru/post/307536/> (дата обращения: 11.05.2017).
5. Ишемгулов М. Н. Правовой аспект в использовании «стрим-технологий» для документирования информации // Молодой ученый. – 2016. – № 17. – С. 195–198.
6. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии-М.:Сила, 2005
7. Чернявская А.П., Байбординова Л.В., Харисова И.Г. Технологии педагогической деятельности. Часть I. Образовательные технологии: учебное пособие/ под общ. ред. А.П.Чернявской, Л.В.Байбординой. — Ярославль;Издво ЯГПУ, 2012. — 311 с.
8. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии / М.: Сентябрь, 2017. — 112 с.
9. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. – М.: Народное образование, 2018. – 256 с
10. 10.Халкар мониторинг тизимлари куринишлари (Варианты глобальных систем мониторинга): [www.csu.edu.au](http://www.csu.edu.au), www.student.wau.nl// Retrieved 15.07.2015 from ://www.jstor.org
11. 11. Success and Education in South Korea Clark W.Sorensen p 34-39 2004 http:// Retrieved 15.07.2015 from ://www.jstor.org
12. 6. Friedrich Scheuermann and Francesc Pedró “Assessing the effects of ICT in education “Indicators, criteria and benchmarks for international comparisons” Retrieved 20.01.2020 from <http://www.csu.edu.au>

Education system Japan | EP-Nuffic | 1st edition September 2010 | version 4, January 2015 <http://www.jstor.org> //Retrieved 15.07.2020

## **IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕАЛЛАРИ**

### **1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **Мавзу: Олий таълим дидактиканинг замонавий категориялари ва ривожланиш тенденциялари (2 соат)**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда олий таълим дидактиканинг асосий категориялари, унинг асосий тамойиллари ва илмий-тадқиқот методларини чукур билиши ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графики органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

**1-топширик.** “Чалкаш занжирлар” методи асосида чап тарафдаги устунда кўрсатилган дидактика тамойилларга устуннинг ўнг томонидаги берилган мос таърифни топинг ва чалкашликка барҳам беринг

Дидактика тамойиллари	Таъриф
<b>Таълимни инсонпарварлаштириш</b>	Бу тамойил таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси жаҳон цивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Шунингдек, ўқув материалидаги қонуниятларни акс эттирилиши; шахс томонидан тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шартшароит яратилишини таъминлайди.
<b>Таълимнинг табиат билан уйғунлиги тамойили.</b>	Баён қилинаётган ўқув материалини мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларни тўлдиришга хизмат қиласи, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни назарда тутади.
<b>Таълимнинг тизимлилиги ва изчилик тамойили</b>	Бу тамойил таълим мазмунини инсон онгига нафақат олам манзарасини, балки инсондаги ривожланиш, юксакликка ҳаракат ва ўсиш ҳолатида бўлган ўзининг шахс сифатидаги қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган
<b>Таълимнинг илмийлик тамойили.</b>	Инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилишга асосланувчи тамойил
<b>Таълим ва тарбиянинг уйғунлиги тамойили</b>	Бу тамойил таълим жараёнида баркамол ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутади. Яхлит педагогик жараёнда таълим ва

	тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади.
<b>Таълимнинг маданият билан уйғунлик тамойили.</b>	Ўқувчиларга уларнинг ёш даврларини инобатга олган ҳолда билимларнинг берилиши ушбу билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини таъминлайди.

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.


### **Ўқитувчининг варианти**

Дидактика тамойиллари	Таъриф
<b>Таълимни инсонпарварлаштириш</b>	Инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳукуқ ва бурчларини хурмат қилишга асосланувчи тамойил
<b>Таълимнинг табиат билан уйғунлиги тамойили.</b>	Бу тамойил таълим мазмунини инсон онгига нафақат олам манзарасини, балки инсондаги ривожланиш, юксакликка ҳаракат ва ўсиш ҳолатида бўлган ўзининг шахс сифатидаги қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган.
<b>Таълимнинг тизимлилиги ва изчилиллик тамойили</b>	Баён қилинаётган ўқув материалини мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларни тўлдиришга хизмат қиласи, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни назарда тутади.
<b>Таълимнинг илмийлик тамойили.</b>	Бу тамойил таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси, жаҳон цивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Шунингдек, ўқув материалидаги қонуниятларни акс эттирилиши; шахс томонидан тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шартшароит яратилишини таъминлайди.
<b>Таълим ва тарбиянинг уйғунлиги тамойили</b>	Ўқувчиларга уларнинг ёш даврларини инобатга олган ҳолда билимларнинг берилиши ушбу билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Бу тамойил таълим жараёнида тарбиялашнинг самарали кечиши шахснинг интеллектуал ривожланиши, таҳсил олувчиларнинг қизиқишилари, идрок этишлари ҳамда индивидуал қобилиятларининг ҳисобга олинниши билан боғлиқ.
<b>Таълимнинг маданият билан уйғунлик тамойили.</b>	Бу тамойил таълим жараёнида баркамол ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутади. Яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади.

**2-топшириқ.** Олий таълим дидактикасининг замонавий категориялари ва ривожланиш тенденциялари ҳақидаги давра сұхбатида иштирок этинг

**“Давра сұхбати” методи** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сұхбати” методи құлланилғанда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “күз алоқаси” ни ўрнатып туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзуны бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



**Белгилар:**



1-таълим олувчилар

2-айлана стол

**3-топширик.** Келтирилған таърифларни ўқиб, жавобини топинг ва кроссвордни тўлдиринг.

Таърифлар:

1. Ўқитиши жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, компетенция ва фикрлаш усуллари тизими.
2. Автоматлашган, бирон бир усул билан бехато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси.
3. Эгалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда кўллай олиш лаёқати.
4. Ўқитиши жараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуллари тизими.
5. Ўқитишининг нимага қаратилғанлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши.




**4-топшириқ.** Ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлаш ҳамда замонавий таълим жараёнини кўриб чиқиши асосида ўқувчиларнинг роллар орқали намоён бўлишини тартиб билан ифодаланг.

- 1.гурухли фаолиятнинг иштирокчиси
- 2.намуна бўйича уй вазифасини мустақил бажаргандан сўнг фаолият эгаси
- 3.ўқув жараёни билан дастлаб танишишда томошабин, кузатувчи
- 4.ўз фаолияти натижасида юзага келадиган ўз-ўзининг фаолияти эгаси
- 5.фаолиятнинг шахсий намунасини яратишда фаолият эгаси+фикр эгаси



**Ўқитувчининг жавоби.**



- 1.ўқув жараёни билан дастлаб танишишда томошабин, кузатувчи
- 2.гурухли фаолиятнинг иштирокчиси
- 3.намуна бўйича уй вазифасини мустақил бажаргандан сўнг фаолият эгаси
- 4.фаолиятнинг шахсий намунасини яратишда фаолият эгаси+фикр эгаси
- 5.ўз фаолияти натижасида юзага келадиган ўз-ўзининг фаолияти эгаси.

### 2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

#### Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИННИГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ (2 СОАТ)

**Режа:**

1. Педагогик инновацияларни илмий асослаш манбалари. Таълим мазмунини танлашга оид назариялар.
2. Инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишнинг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифи.
3. Инновацион-педагогик фаолият методлари: дидактик ёндашувлар

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда Ўзбекистонда олий таълим дидактикасининг ривожланиш тарихи чукур билиши ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш. Мамлакатимизда Учинчи Ренесанс ҳақида маълумотга эга бўлиш ва шу асосда илмий-педагогик фаолиятини ташкил этиш.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикили органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

**1-топшириқ.** Ўзбекистонда олий таълим дидактикасининг ривожланиш тарихини “Блиц-сўров” методи асосида тушунтириб беринг.

### **“Блиц-сўров” методи**


**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкамарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

Тингловчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш, Ўзбекистонда олий таълим дидактикасининг ривожланиш тарихига улкан ҳисса қўшган жадид-маърифатпарварлари: Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Ибрат, Сиддикий; XX аср педагоглари, дидакт олимлар: Сиддиқ Ражабов, Малла Очилов, Усмонали Нишоналиев ва бошқа олимларнинг қарашларини таҳлил қилиш. Таълимни ташкил этиш ёндашувлари асосида дидактик жараённи лойиҳалаш методларини самарали қўллаш, касбий компетенцияларни ривожлантириш учун белгиланган мавзу юзасидан тарқатилган тарқатма материалларни синчиклаб ўрганиши, сўнг, тўғри жавоблар тарқатмадаги “Якка баҳолаш” устунига белгилаш. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилди. Навбатдаги босқичда модератор иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништиришга ундейди. Баҳс мобайнида тингловчилар Ўзбекистонда олий таълим дидактикасининг ривожланиш тарихига ҳақида кичик тақдимотлар орқали ўз фикрларини асослаб берадилар. Бунинг учун манбалар ва интернет маълумотларидан фойдаланишлари тавсия этилади.

Технология мобайнида турли интерфаол методлар ва организерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**2-топширик.** Жадид маърифатпарвари Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда тўрт бўлимга ажратган. Ушбу бўлимларни қўйидаги технологияга жойлаштиринг ва ҳар бирини оғзаки равишда тушунтиринг.



**3-топшириқ.** Жадидчилик миллий ҳаракати намояндалари қаламига мансуб асарларни қўйидаги жадвалга ёзинг.

<b>Жадид маърифатпарварлари</b>	<b>Асарлар номи</b>
Абдулла Авлоний	“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”
Маҳмудхўжа Беҳбудий	
Фитрат	

**Ўқитувчининг жавоби.**

<b>Жадид маърифатпарварлари</b>	<b>Асарлар номи</b>
Абдулла Авлоний	“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Алифбедан сўнгги ўқув китоби”
Маҳмудхўжа Беҳбудий	“Китоб ул-атфол”, “Амалиёти ислом”, “Аҳоли жўғрофиясига кириш”, “Россиянинг қисқача географияси”
Фитрат	“Абудфайзхон”, “Арслон”, “Восеъ” “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида”

### **З-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ (2 СОАТ)**

**Амалий машғулотдан қўзланган мақсадлар:** тингловчиларда олий таълим дидактикасида замонавий ўқитиш концепциялари ҳақида чукур билиши ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш. Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикли органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади

**1-топшириқ.** “Олий таълим дидактикасида замонавий ўқитиш концепциялари” мавзусида “Лойиҳа” технологияси орқали тақдимот тайёрланг

Тингловчи “Лойиҳа” технологияси қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминлашлари лозим.

**2-топшириқ. Қўйидаги жадвалда келтирилган назарияларга мос таърифларни топинг.**

<b>Назария номи</b>	<b>Чалкаш маълумотлар</b>	<b>Тўғри маълумотлар</b>
Прагматизм	Ушбу назария католик илоҳиётчиси Тома Аквинский шарафига номланган бўлиб, уни Ж.Маритен, У.Макгакен ва М. Казоттилар илгари суришган	
Неопрагматизм	XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошларида пайдо бўлган ушбу назарияни америкалик олим Д.Дьюи муваффақиятли равишда тадбиқ эта бошлаган	
Неопозитивизм	Ушбу назария тарафдорлари сифатида Г.Марсель, У.Баррет, Д.Кнеллер каби олимларни эътироф этиш мумкин	
Экзистенцияализм	Мазкур йўналиш Платон, Аристотель ва Кантларнинг ахлоқий ғоялари асосида пайдо бўлган	
Неотомизм	Ушбу назария нисбатан кейинроқ пайдо бўлган бўлиб, унинг тарафдори сифатида Д.Уотсонни айтиб ўтиш мумкин	
Бехивиоризм	Ушбу назария 1970 йилларда шакллана бошлаган, унинг намояндалари А.Маслоу ҳамда А.Комбс.	

**Ўқитувчининг жавоби.**

<b>Назария номи</b>	<b>Чалкаш маълумотлар</b>	<b>Тўғри маълумотлар</b>
Прагматизм	Ушбу назария католик илоҳиётчиси Тома Аквинский шарафига номланган бўлиб, уни Ж.Маритен, У.Макгакен ва М. Казоттилар илгари суришган	XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошларида пайдо бўлган ушбу назарияни америкалик олим Д.Дьюи муваффақиятли равишда тадбиқ эта бошлаган

Неопрагматизм	XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошларида пайдо бўлган ушбу назарияни америкалик олим Д.Дьюи муввафқиятли равишда тадбиқ эта бошлаган	Ушбу назария 1970 йилларда шакллана бошлаган, унинг намояндлари А.Маслоу ҳамда А.Комбс.
Неопозитивизм	Ушбу назария тарафдорлари сифатида Г.Марсель, У.Баррет, Д.Кнеллер каби олимларни эътироф этиш мумкин	Мазкур йўналиш Платон, Аристотель ва Кантларнинг ахлоқий ғоялари асосида пайдо бўлган
Экзистенциялизм	Мазкур йўналиш Платон, Аристотель ва Кантларнинг ахлоқий ғоялари асосида пайдо бўлган	Ушбу назария тарафдорлари сифатида Г.Марсель, У.Баррет, Д.Кнеллер каби олимларни эътироф этиш мумкин
Неотомизм	Ушбу назария нисбатан кейинроқ пайдо бўлган бўлиб, унинг тарафдори сифатида Д.Уотсонни айтиб ўтиш мумкин	Ушбу назария католик илоҳиётчиси Тома Аквинский шарафига номланган бўлиб, уни Ж.Маритен, У.Макгакен ва М. Казоттилар илгари сурешган
Бехивиоризм	Ушбу назария 1970 йилларда шакллана бошлаган, унинг намояндлари А.Маслоу ҳамда А.Комбс.	Ушбу назария нисбатан кейинроқ пайдо бўлган бўлиб, унинг тарафдори сифатида Д.Уотсонни айтиб ўтиш мумкин

**З-топшириқ.** “Олий таълим дидактикасида замонавий ўқитиши концепциялари” мавзусида кичик групкаларга бўлининг ҳамда рақиб групкалардан интервью олишга тайёргарлик кўринг (тингловчилар маъруза машғулоти жараёнида олган билимларига асосланадилар). Ушбу метод орқали тингловчиларнинг эгаллаган билимлари мустаҳкамланиб, оғзаки нутқ қўнималари ривожлантирилади.

#### **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИННИГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ (2 СОАТ)**


**Амалий машғулотдан қўзланган мақсадлар:** тингловчиларда олий таълим дидактикасининг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш

методлари ҳақида чуқур билиши ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикили организаторлар ёрдамида ташкил қилинади.

**1-топшириқ.** Олий таълим дидактикасида мавжуд муаммоларни аниқланг ва куйида кўрсатилган технологияга жойлаштиринг.

“Карорлар қабул қилиш” технологияси




ўтказилаётган тадқиқотларда таҳсил олувчиликнинг динамикадаги кўрсаткичларини таққослаш шартларни тенглаштиришга кафолат бермайди.

**2-муаммо.** Концептуал ва илмий тавсифларда ягона тартиблаштирилган тизимнинг мавжуд эмаслиги.

**3-муаммо.** Замонавий олий таълим дидактикасида ўқув жараёнини ўрганиш учун зарурый методикалар билан таъминланмаганлиги.

**2-топшириқ.** Куйида берилган геометрик шакллар ичидаги тасвирланган рақамларни 20 сония ичидаги қараб, эслаб қолинг, сўнг, уларга мос бўлган жадвалда келтирилган категорияларни топинг



## **Жадвал**

- |  |
|--|
| <b>1. Парадигма-</b><br><b>2. Таълим-</b><br><b>3. Касбий профессиограмма</b><br><b>4. Шаклланиш</b><br><b>5. Ривожланиш</b> |
|--|

**3-топшириқ. “ФСМУ” методи** асосида олий таълим дидактикаси муаммолари тўғрисида умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқаринг, фикрларингизни таққосланг.

### **“ФСМУ” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Жихозлар:** машғулот давомида ишлаш учун ватман, фломастер, маркерлар, Электрон доска, “Электрон кўз”.

**4-топшириқ.** “Олий таълим дидактиканинг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методлари” мавзусида кичик эссе ёзинг.

### **5-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИДА ИННОВАЦИОН ОҚИМЛАР ВА МУАММОЛАР (2 СОАТ)**

**Амалий машғулотдан қўзланган мақсадлар:** тингловчиларда олий таълим дидактиканы инновацион оқимлар ва муаммолар ҳақида чукур билиши ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикили организаторлар ёрдамида ташкил қилинади.

**1-топшириқ. Тингловчиларга тақдим этилган жадвал.**

**Қуйидаги муаммолар бўйича Инсерт жадвалини тўлдиринг**

<b>Бу матн менга таниш (“+”)</b>	<b>Бу мантдаги айрим жиҳатлар нотаниш (“-”)</b>	<b>Ушбу айрим савол тугдирди? (“?”)</b>	<b>Ушбу абзацлар и ёд олиш керак (“!”)</b>
--	---	---	--


Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

### Ўқитувчининг варианти

Бу матн менга таниш (“+”)	Бу мантдаги айрим жиҳатлар нотаниш (“-”)	Ушбу айрим мантдаги абзацлар савол туғдири? (“?”)	Ушбу маълумотлари ёд олиш керак (“!”)

### 2-топшириқ. Блиц-сўров асосидаги топшириқларга жавоб беринг

Инновация-  
Новация-  
Инновацион оқимлар-  
Инновацион муаммолар-  
Модернизация –  
Таълим тизимининг модернизацияси –  
Таълим технологияси –  
Педагогик технология –  
“Таълим технологияси” назариясининг шаклланиши босқичлари-

**Жавоб:** Тушунчалар қўйидаги иш қоғози асосида тўлдирилади (намуна).


Новация	Инновация
Фаолиятнинг кисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиши ва факатгина тизимдаги айрим элементларни ўзgartаришга хизмат килиши	Фаолиятнинг маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиши ва натижасининг муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзgartаришга хизмат килиши

**3-топшириқ.** Кичик групкаларга олий таълим дидактикасида инновацион оқимлар ва муаммолар аҳамиятини ёритувчи “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш. Тингловчилар учун қўйидаги иш қоғози тавсия этилади:

**КУНДАЛИКНИНГ  
1-САХИФАСИ:**  
Олий таълим дидактикасида  
инновацион оқимларнинг  
мақсади

**КУНДАЛИКНИНГ  
2-САХИФАСИ:**  
Олий таълим дидактикасида  
инновацион оқимларнинг  
вазифалари

### Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:



### Таълим инновациялари:

1. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
2. Ўзлаштирилган инновациялар;
3. Модификацияланган инновациялар;
4. Таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар;
5. Модул инновациялари;
6. Радикал инновациялар;
7. Жамоа томонидан бевосита яратилган инновациялар
8. Комбинацияланган инновациялар;
9. Тармоқ (локаль) инновациялари;
10. Тизим инновациялари.

**5-топшириқ.** Мавзуга оид аралаш тестларни ечиш.

1. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши – бу ...

- а) таълим тизимининг ривожланиши;
- б) таълим тизимининг шакллантирилиши;

- с) таълим тизимининг ҳолати;
- д) таълим тизимининг модернизацияси.

**2.** Лугавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси қандай маънони ифодалайди?

- а) ўзгариши киритиш;
- б) қўшимча киритиш;
- с) янгилик киритиш;
- д) таклиф киритиш.

**3.** “Инновацион таълим” тушунчаси дастлаб қаерда асосланган?

- а) 1919 йилда Берлинда;
- б) 1979 йилда Римда;
- с) 1920 йилда Вашингтонда;
- д) 1995 йилда Москвада.

**4.** Янги ғоялар, тизим ёки фаолият йўналишини ўзгаришига қаратилган аниқ мақсадлар, ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташабbusлар, илғор иш услублари. Улар ... қўринишлари.

- а) технологиянинг;
- б) методиканинг;
- с) инновациянинг;
- д) лойиҳалашнинг.

**5.** Таълим (ўқитиш) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши қандай номланади?

- а) таълим методикаси;
- б) таълим технологияси;
- с) таълим парадигмаси;
- д) таълим метоологияси.

**6.** Таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиши ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи. “Педагогик технология” тушунчасининг ушбу таърифи ким томонидан берилган?

- а) У.Нишоналиев;
- б) Б.Фарберман;
- с) ЮНЕСКО;
- д) В.П.Беспалько.

**6-топшириқ.** Педагогик технология мезонларини рақамларини мос катакларга қўйиб чиқинг:

- 1) концептуаллик;
- 2) тизимлилик;
- 3) бошқарувчанлик;
- 4) самарадорлик.

**Жавоб:**

<b>4</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>3</b>
----------	----------	----------	----------

Машғулотнинг яқунланиши.

Кичик гурӯҳлар ва ҳар бир тингловчининг машғулот жараёнидаги иштироки баҳоланади. Таълим мақсадининг натижаланганлиги таҳлил қилинади.

### **6-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУ: ДИДАКТИК ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ (2-СОАТ)**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда дидактик тизимлар ва уларнинг турлари ҳақида билим ҳосил қилдириш ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикили органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

#### **1- топшириқ.** Дидактик тизим ҳақида кейс баёни.

Дидактик тизим деганда, маълум мезонларга кўра танланган яхлит таълим тушунилади. Дидактик тизимлар экспедициянинг ички яхлитлиги билан ажralиб туради, мақсадлар, ташкилий тамойиллар, мазмуни, ўқитиш шакллари ва усулларининг бирлиги билан шаклланади. Тузилмаларнинг ўзига хос хусусияти бугунги тадқиқотчиларга учта тубдан фарқ қиласидан дидактик тизимни ажратиб олишга имкон беради:

- 1) И.Ф.Гербартнинг дидактик тизими (дидактика);
- 2) Д. Девининг дидактик тизими;
- 3) Замонавий мукаммал тизим.

**Кейс топшириғи:** Дидактик тизим деганда нима тушунилади? Дидактик тизимларни ташкил этадиган мақсадлар, ташкилий тамойиллар, мазмуни, ўқитиш шакллари ва усулларининг бирлиги ҳақида тушунча беринг. Тузилмаларнинг ўзига хос хусусияти ҳақида фикр билдиринг.

#### **Кейс топшириғи:**

Дидактик тизим яратган намоёндалар	Қарашлари

#### **Ўқитувчининг жавоби:**

Дидактик тизим яратган намоёндалар	Қарашлари
Я.А. Коменский	Синф-дарс тизим яратди
И.Ф.Гербарт	Немис файласуфи ва педагоги И.Ф. Гербарт (1776-

	<p>1841), таълимнинг энг юқори мақсади юксак ахлоқий фазилатларга эга шахсни, ахлоқий жиҳатдан кучли характерли шахсни шакллантиришдир. Унинг фикрича, таълим қуидаги ахлоқий ғояларга асосланган бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- шах интилишларининг йўналишини, фаолият соҳасини ва салоҳиятини белгилайдиган мукаммаллик; хайриҳоҳлик, ўз иродасини бошқаларнинг иродасига мувофиқлаштириш ва бўйсунишни таъминлаш;</li> </ul> <p>одамлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайишига йўл қўймаслик ва б.</p> <p>Дидактик тизимни яратар экан, замонавий психологиядан Гербарт иккита асосий ғояга таянди: ирсий ёки орттирилган руҳий мойиллик мавжуд эмас; барча ақлий ҳаёт ғоялар асосида шаклланади.</p>
Жон Дьюи	<p>Жон Дьюининг дидактик тизими жамият ва таълим муассасасининг изчил ривожланиши билан зиддиятга келган гербартчиларнинг авторитар дидактик тизимига қарши туриш мақсадида ишлаб чиқилганди. Ж. Дьюи томонидан интизомий чоралар асосида таҳсил олувчиларга юзаки таълим бериш танқидга учради. Шунингдек, педагог ҳаёт билан боғлиқ бўлмаган таълимнинг эскиргани; таҳсил олувчиларга "тайёр" билимларни бериш, ёдлашга қаратилган "пассив" усуллардан фойдаланиш; талабаларнинг қизиқишилари, эҳтиёжлари этарли даражада ҳисобга олинмаганлиги; таълим мазмунини ижтимоий эҳтиёжлардан ажратиш; талабаларнинг қобилиятларини ривожлантиришга этарлича эътибор бермаслик жиддий педагогик хатоларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди.</p>
Замонавий тизимлар	<p>1. Америкалик психолог ва педагог Жером Брукнер томонидан ишлаб чиқилган "кашфиётлар орқали" ўрганиш контсептсияси алоҳида эътиборга лойикдир. Унга мувофиқ талабалар воқеликни ўрганишилари, билимларни ўзларининг ка什фиётлари орқали ўзлаштиришилари керак, булар барча билим кучларини ишга солишини талаб қиласди ва самарали фикрлашни ривожлантиришга ниҳоятда самарали таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, талабалар бундан олдин ўзлари учун номаълум бўлган умумлаштиришларни мустақил равишда</p>

	<p>шакллантиришлари, шунингдек уларни амалий қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари керак.</p> <p>Амалий педагогик фаолият асослари бўлиб ҳисобланмиш замонавий олий таълим дидактикаси қўйидаги хусусиятлари билан тавсифланади: Унинг услугубий асосини билимлар фалсафаси (гносеология), материализмнинг объектив қонунлари ташкил этади, бунинг натижасида замонавий дидактика ўқув жараёнини таҳлил қилиш ва талқин қилишда бир томонлама ёндашувдан четлашди.</p>
--	---

**Кейс топшириғи.** Замонавий тизимлардаги дидактик мактаблар яратган намоёндалар ҳақидаги маълумотларни давом эттиринг

Жером Брукнер	<p>1. Америкалик психолог ва педагог Жером Брукнер томонидан ишлаб чиқилган “кашфиётлар орқали” оърганиш контсептсияси алоҳида эътиборга лойиқdir. Унга мувофиқ талабалар воқеликни оърганишлари, билимларни оъзларининг кашфиётлари орқали ўзлаштиришлари керак, булар барча билим кучларини ишга солишни талаб қиласди ва самарали фикрлашни ривожлантиришга ниҳоятда самарали таъсир коърсатади. Шу билан бирга, талабалар бундан олдин оъзлари учун номаълум боълган умумлаштиришларни мустақил равишда шакллантиришлари, шунингдек уларни амалий қоъллаш кўникма ва малакаларига эга боълишлари керак.</p> <p>Амалий педагогик фаолият асослари боълиб ҳисобланмиш замонавий олий таълим дидактикаси қўйидаги хусусиятлари билан тавсифланади: Унинг услугубий асосини билимлар фалсафаси (гносеология), материализмнинг объектив қонунлари ташкил этади, бунинг натижасида замонавий дидактика оъқув жараёнини таҳлил қилиш ва талқин қилишда бир томонлама ёндашувдан четлашди.</p>
А. Макаренко	

**Кейс топшириғи.** Жадид-маърифатпарварларининг дидактик тизимлари ҳақидаги маълумотларни жалвалга киритинг

Маърифатпарварлар	Маърифатпарварлар ташкил қилган тизим номи	Қисқача мазмуни
Абдулла Авлоний	Янги усул мактаби	
Ибрат		
Сиддиқий		

**Ўқитувчининг жавоби.**

Маърифатпарварлар	Маърифатпарварлар ташкил қилган тизим номи	Қисқача мазмуни
Абдулла Авлоний	Янги усул мактаби	
Ибрат		
Сиддиқий		

**2-топшириқ:** Қуйидаги фалсафий тизимларга доир таърифларни уларга тегишли тушунчалар билан жуфтланг.

№	Таърифлар	№	Тушунчалар
1	Ушбу фалсафий тизим амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда берса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, деган ғояни илгари суради.	A	эмпиризм
2	Ушбу фалсафий тизимга кўра, одамларнинг билимлари ва ҳаракатларининг асосини онг ташкил этади. Ушбу фалсафий тизим вакиллари сифатида Бенедикт Спиноза, Готтфрид Лейбниц, Рене Декарт ҳамда Геогр Ҳегель каби олимларни мисол қилиб келтириш мумкин.	B	технократизм
3	Ушбу тушунча яхлит гносеологик	C	прагматизм

	концепция сифатида ХВИИ-ХВИИИ асрларда шаклланган бўлиб, ҳиссий тажрибани билишнинг бирданбир манбаи деб ҳисоблайди. У рационализмга қарама-қарши равишда тажрибани, ҳиссий билишни мутлақлаштириш каби омилларни биринчи даражага кўяди.		
4	Ушбу фалсафий тизим ҳокимият илмий ва техник мутахассислар қўлида бўлиши керак, деган ғояни илгари суради.	Д	рационализм

<b>Жавоб</b>	1	2	3	4
<b>Жавоб</b>				

Ўқитувчининг жавоби.

<b>Жавоб</b>	1	2	3	4
<b>Жавоб</b>	1-С	2-Д	3-А	4-Б

**3-топшириқ.** Ушбу жадвалга касбий дидактик тайёргарликнинг ривожланишини таъминлайдиган педагогик функцияларга доир таърифларга мос жавоб ёзинг.

Таърифлар	Жавоб
Ушбу функция моҳиятан дидактик билим кўшикмаларини эгаллаш, мутахассисга таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашишни амалга оширишга имкон берадиган касбий фикрлаш, нутқ, педагогик қобилиятларни ривожлантириш билан узвий боғлиқ.	
Бу функция педагогика курслари ва хусусий методларини, шунингдек, маҳсус курслар ва маҳсус семинарларни ўқиётган талабаларнинг	

<p>келгуси жараёнига йўналтирувчи таъсири билан боғлиқ. Функциянинг алоҳида роли педагогик ОТМларнинг турли факултетларида ўқув жараёнини қиёсий таҳлил қилишда кузатилади.</p>	
---	--

### **Ўқитувчининг жавоби.**

<b>Таърифлар</b>	<b>Жавоб</b>
<p>Ушбу функция моҳиятан дидактик билим кўшикмаларини эгаллаш, мутахассисга таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашишни амалга оширишга имкон берадиган касбий фикрлаш, нутқ, педагогик қобилиятларни ривожлантириш билан узвий боғлиқ.</p>	Ривожланиш функцияси
<p>Бу функция педагогика курслари ва хусусий методларини, шунингдек, маҳсус курслар ва маҳсус семинарларни ўқиётган талабаларнинг келгуси жараёнига йўналтирувчи таъсири билан боғлиқ. Функциянинг алоҳида роли педагогик ОТМларнинг турли факултетларида ўқув жараёнини қиёсий таҳлил қилишда кузатилади.</p>	Мувофиқлаштирувчи функция

### **7-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

#### **МАВЗУ: ДИДАКТИК ЖАРАЁНДА ПРЕДМЕТЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК МАСАЛАЛАРИ (2СОАТ)**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда дидактик жараёнда предметлараро алоқадорлик масалалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикили организерлар ёрдамида ташкил қилинади.

**1.топшириқ. “Чалкаш занжирлар” методи орқали қуйида берилган таърифларнинг муаллифини топинг ҳамда тўғри жавобни ёзинг.**

Таъриф	Чалкаш жавоблар	Тўғри жавоблар
Педагогик технология - бу таълим жараёнини амалга оширишнинг мазмунли техникаси	И.П. Волков	
Педагогик технология - режалаштирилган таълим натижаларига эришиш жараёнининг тавсифи	В.Г. Афанасьев	
Педагогик тизимларни бир қатор белгилар ёрдамида ажралмас ҳодисалар деб, таърифлаш мумкин	В.П. Беспалько	

**Ўқитувчининг жавоби.**

Таъриф	Чалкаш жавоблар	Тўғри жавоблар
Педагогик технология - бу таълим жараёнини амалга оширишнинг мазмунли техникаси	И.П. Волков	В.П. Беспалько
Педагогик технология - режалаштирилган таълим натижаларига эришиш жараёнининг тавсифи	В.Г. Афанасьев	И.П. Волков
Педагогик тизимларни бир қатор белгилар ёрдамида ажралмас ҳодисалар деб, таърифлаш мумкин	В.П. Беспалько	В.Г. Афанасьев

## **8- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

### **МАВЗУ: ДИДАКТИКАДА ФАН, ТАЪЛИМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ. STEAM ТАЪЛИМИ.(2 СОАТ)**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда дидактикада фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси масалалари ҳамда STEAM таълими ҳақида тушунча ҳосил қилиш ва шу асосда педагогик фаолиятини ташкил қила олиши бўйича малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикили органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

**1-топшириқ.** Фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси масалаларига оид берилган матнни ўқинг. “Б-Б-Б” органайзери асосида уни таҳлил қилинг.

#### **Тақдим қилинадиган матн:**

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси масалалари учта асосий жиҳат бўйича тадқиқ этилишни талаб этади: тизимли (интегратсия субъектининг ички тузилиши ва ташқи муносабатлар тизимини ўзгартириш); молиявий-иқтисодий (интегратсия субъектининг активлари ва мажбуриятлари таркибини ўзгартириш); хукуқий (интегратсия субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хукуқий протедуралари ва технологиялари).

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг самарадорлиги миллий иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш ресурсларининг маҳсулдорлиги билан боғлик.

Таълим муассасалари фаолиятининг турли йўналишларини интеграциялаш меҳнат, молиявий, моддий ресурслардан янада самарали ва самарали фойдаланишга имкон беради. Интегратсиянинг тубдан янги моделларини излашнинг муҳим иқтисодий шарти бу тадқиқот ишларини молиялаштириш манбаларини диверсификатсия қилиш, таълим технологиялари (грантлар, хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар, илмий ишланмаларни амалга ошириш, илмий консалтинг, экспертиза, ахборот хизматлари, дизайн, ташкилий хизматлар, патентлар, литсензиялар ва бошқаларни амалга ошириш ва бошқалар.)дан иборат.

Ижтимоий институт сифатида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳар бири мустақил бўлганлиги боис, уларнинг интегратсиялашув механизми такомил талаб масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (2020 й) таълим, илмий ва касбий фаолиятни органик равишда бирлаштирган кенгроқ интегратсия жараёнлари учун ягона қонунчилик базаси сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш тўғрисида алоҳида мустақил, тизимни шакллантирувчи федерал қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Тингловчилар тўлдириши лозим бўлган Б-Б-Б жадвали

Б (билар эдим)	Б (билиб олдим)	Б (билишни хоҳлайман)

**Ўқитувчининг жавоби:**

Б (билар эдим)	Б (билиб олдим)	Б (билишни хоҳлайман)
Интеграция бу-	Ижтимоий институт сифатида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳар бири мустақил бўлганлиги боис, уларнинг интегратсиялашув механизми такомил талаб масалалар сирасига киради	Интегратсиянинг янги моделлари
Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Конуни (2020й) таълим, илмий ва касбий фаолиятни органик равишда бирлаштирган ягона қонунчилик базаси	Ижтимоий институт сифатида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳар бири мустақил тизимни ҳосил қиласди	Интегратсия субъектининг ички тузилиши ва ташки муносабатлар тизими қачон ўзгаради?
Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси масалалари тизимли ички ва ташки муносабатлар бирлашиши натижасида пайдо бўлади	Интеграциянинг самарадорлиги миллий иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш ресурсларининг маҳсулдорлиги билан боғлиқ	Илмий консалтинг, экспертиза, ахборот хизматлари, дизайн, ташкилий хизматларва бошқаларни амалга ошириш босқичлари

**2-топширик.** Чап тарафдаги устунда кўрсатилган **STEAM** қисқартмасига мос бўлган таърифни устуннинг ўнг томонига мослаштиринг.

**STEAM**

**STEAM таърифи**

<b>қисқартмаси</b>	
<b>S</b>	
<b>T</b>	
<b>E</b>	
<b>A</b>	
<b>M</b>	

**Ўқитувчининг жавоби.**

<b>STEAM қисқартмаси</b>	<b>STEAM таърифи</b>
<b>S</b>	science – фан. Таҳсил олувчиларнинг фанларга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларини илмий тадқиқотчилик кўникмалари асосида ривожлантириш.
<b>T</b>	technologiya – технология. Таҳсил олувчиларнинг фанларга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш.
<b>E</b>	engineering – муҳандислик. Таҳсил олувчиларнинг муҳандислик соҳасига оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш.
<b>A</b>	arts - санъат. Таҳсил олувчиларнинг санъат ва маданият соҳасидаги дунёқарашини кенгайтириш; билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш.
<b>M</b>	math - математика. Таҳсил олувчиларнинг математика соҳасидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш.

З-топширик. “Муаммоли вазият” методи орқали STEAM технологияларининг афзалликларини мухокама қилинг.

“Муаммоли вазият” методи - муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

**Бош муаммо: STEAM нинг афзалликлари ва камчиликлари**

Афзаликлар	Камчиликлар

### Ўқитувчининг жавоби

Афзаликлар	Камчиликлар
Фанлараро интеграциянинг вужудга келиши	Дидактик тизимларда етук мутахассиларнинг етишмаслиги
Таҳсил олувчиларда креатив фикрлаш кўнима, малакаларни таркиб топиши	Ёш ўқитувчиларда муайян компетенцияларнинг ривожланмаганлиги
Мустақил ва ижодий фикрлашга замин яратилиши	Узвийлик ва узлуксизлик каби дидактик тамойилларнинг инобатга олинмаслиги
Таҳсил олувчиларда илмий тадқиқотчилик кўнилмалари, техника, муҳандислик, фан, санъат, маданият, математикага оид билим, кўнима, малака ва компетенцияларни ривожлантириш	Техника ва муҳандислик соҳасига оид зарурий асбоб ва ускуналарнинг ҳар доим ҳам етишмаслиги

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.
2. Макарова.Н.С. Дидактика высшей школы. монография/ Н. С. Макарова, Н. А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 - 172 с.
3. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
4. Никишина И.В. Инновационная деятельность современного педагога. Методическое пособие. – 2012. 76 с.
5. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
6. Гагарин А. Инновационная дидактика высшей школы: теория, технологии, методы: Электронное учебное пособие./ <https://www.academia.edu/33328359/>
7. Коржуев А.В. Дидактика высшей школы.-М.:Сентябрь, 2019.-238с.
8. Попков В.П., Коржуев А.В. Дидактика высшей школы.-М.:Мысль, 2020.-234 с.
9. Подласий В.П. Педагогика. Книга в 3-х частях/Дидактика,. -М.:Логос, 2013.-468б.

## **V. ГЛОССАРИЙ**

Тушунчалар	Мазмуни
<b>Дидактика</b>	юононча «didaktikos» сўзидан олинган бўлиб, “ўргатувчи”, «didasko» эса – “ўрганувчи” маъносини билдиради. У таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, таълим берувчи ва таълим олувчилар фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолар) ни ўрганувчи педагогиканинг таркибий қисми ҳисобланади.
<b>Ўргатиш –</b>	ўқитиши мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти
<b>Ўрганиш –</b>	англаш, машқ қилиш ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-атвор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгариши
<b>Ўқитиш –</b>	қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан ўқувчиларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати
<b>Таълим –</b>	ўқитиши жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, компетенсия ва фикрлаш усуллари тизими
<b>Кўникма –</b>	эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш
<b>Малака –</b>	автоматлашган, бирор бир усул билан бехато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси
<b>Компетенция –</b>	тугалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш лаёқати
<b>Мазмун –</b>	ўқитиши жараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуллари тизими
<b>Мақсад –</b>	ўқитишининг нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши

<b>Парағыма –</b>	аниқ вақт доирасида илмий жамоатчиликка муаммоларни аниқлаш үшін ұларни ҳал этиш модели сифатида тақдим этиладиган барча илмий ютуқларга тегишли тадқиқот вазифаларини ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилингандай назария
<b>Шакл –</b>	ўқув жараёнининг ташқи ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобиқ.
<b>Метод –</b>	ўқитишининг мақсад үшін вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли
<b>Восита –</b>	ўқув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган объект.
<b>Натижаси –</b>	ўқув жараёнининг сўнгти маҳсул, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси
<b>Маълумот -</b>	таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилингандай күн икма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмудидир. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, тарбияланиши ва таълим олиши педагогик жараёнда содир бўлади
<b>Маҳорат –</b>	бу мураккаб ишни тез, аниқ бажаришнинг енгиллиги, меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор маромидир
<b>Педагогик жараён –</b>	педагогик категориялардан бири бўлиб, маълум бир мақсадга йўналтирилган катталарнинг педагогик фаолияти таъсирида ташкилий шакллантирилган ва мазмунан бойитилган ҳамда “...тарбиячининг йўналтирувчи ва олиб борувчи раҳбарлик роли натижасида тарбияланувчининг ўз-ўзини тараққий эттиришидир”
<b>Педагогик фаолият-</b>	эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий каби мақсадларга мувоғиқ равишда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг ақлан ўйлаб кўрилган, катта ёшдагиларнинг ижтимоий зарур бўлган меҳнатининг ўзига хос туридир
<b>Тарбия қонуниятлари –</b>	бу бир томондан, ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг хусусиятлари, иккинчи томондан, шахснинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган барқарор алоқалар йиғиндиси

<b>Ўз-ўзини баҳолаш –</b>	мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият методи
<b>Ташкил этиши –</b>	қўйилган мақсадни самарали амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён
<b>Фанлараро алоқадорлик -</b>	ОТМ фанлари таркибида амал қиласиган объектив ўзаро алоқаларни акс эттиришни таъминлайдиган дидактик шартлардан биридир
<b>Инновация-</b>	янгилик, янгилик, ўзгаришни англатади; инновация восита ва жараён сифатида янги нарсани киритишни ўз ичига олади. Педагогик жараёнда инновация ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклларига янгиликларни киритишни, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишни назарда тутади

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

10. Мирзиёев Ш.М. Буюк қелажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
13. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
14. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

28. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.

29. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

30. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

31. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

32. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б

33. Макарова.Н.С. Дидактика высшей школы.монография/ Н. С. Макарова, Н. А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 - 172 с.

34. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

35. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

36. Никишина И.В. Инновационная деятельность современного педагога. Методическое пособие. – 2012. 76 с.

37. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.

38. Современные образовательные технологии в учебном процессе вуза: методическое пособие / авт.-сост. Н. Э. Касаткина, Т. К. Градусова, Т. А. Жукова, Е. А. Кагакина, О. М. Колупаева, Г. Г. Солодова, И. В. Тимонина; отв. ред. Н. Э. Касаткина. – Кемерово: ГОУ «КРИРПО», 2011. – 237 с.

39. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

40. Гагарин А. Инновационная дидактика высшей школы: теория, технологии, методы: Электронное учебное пособие./  
<https://www.academia.edu/33328359/>

41. Коржуев А.В. Дидактика высшей школы.-М.:Сентябрь, 2019.-238с.

42. Попков В.П., Коржуев А.В. Дидактика высшей школы.-М.:Мысль, 2020.-234 с.

43. Подласий В.П. Педагогика. Книга в 3-х частях/Дидактика,. -М.:Логос, 2013.-468б.

#### **IV. Интернет сайтлар**

44. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

45. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

46. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

47. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

48. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси